Қишлоқ ҳақиқати

قیشلاق حقیقاتی

1993 йил 22 апрель
ПАЙШАНБА
№ 46 (5.488).
НАРХИ:
ОБУНАЧИГА 3 СЎМ.
СОТУВДА 3 СЎМ.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ДЕҲҚОН МЕҲРИДАН ЯШНАР ДАЛАЛАР

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ЧИГИТ ЭКИШ ТУГАЛЛАНДИ

- ҚУЛАЙ МУДДАТЛАРДА
- ИЛҒОР УСУЛ ШАРОФАТИ
- ЯШИЛ ПАЙҚАЛЛАР КУН САЙИН КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА
- НАВБАТ—ПАРВАРИШГА

Андижонга баҳор мўъталил келди. Адир-қирлар яшилланиб, нафосатли лаҳзалар барвақт бошланди. Боғларда таманнолик, кўнгилларда кўтаринки руҳ уйғонди. Табиатнинг бу инъоми вилоят деҳқонлари бағрини тўлдирди, кўкламги экишни уюшқоқлик билан бошлашга чорлади. Эртаги сабзавот, маккажўхори экиб бўлиниб, тўртинчи апрель куни чигит экиш оммавий тарзда бошланди. Сифатли тайёрланган далаларга сеялкалар олиб кирилди, жўшқин ҳаёт нафаси уфурди. Шийпонларга баҳор файзи кирди.

Чигит экишни Комсомолобод, Асака, Олтинкўл, Бўз, Шаҳрихон районлари бошлаб бердилар. Тоғолди районлари саналмиш Булоқбоши, Хўжаобод, Марҳамат, Қўрғонтепа далаларида ҳам ишлар қизиб кетди. Асакаликлар 6369 гектар майдонга энг қулай шароитда чигит экиб бўлдилар. Комсомолобод намунасини эса алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар 17.385 гектар ерга вилоятда пешқадам бўлиб чигит экишди. Шундан 15 минг гектаридан зиёдига уруғлик эгатнинг пуштасига қадалди. Пуштага экишнинг афзаллиги шундаки, ортиқча меҳнат талаб қилинмайди, бир вақтнинг ўзида минерал ўғит солиб кетилади. Ёввойи ўт кам чиқади, қатқалоқнинг олди олинади. Чўқуварлар диққат-эътиборни чигитни сифатли қилиб экишга қаратдилар. Экишдаги бу қулай ва илғор агротехника бошқа районларда ҳам кенг қўлланилди.

Вилоятнинг барча районлари хўжаликлари деҳқончиликнинг бу ўта муҳим ва ҳал қилувчи даврини юксак масъулият, ишчанлик, сафарбарлик билан олиб бордилар. 1800 та сеялкадан унумли фойдаланилди. Уларнинг ҳар бири билан кунига 7—8 гектарга етказиб чигит экилди. Экишда иштирок этганлар учун дала шийпонларида, бевосита пайкалларда етарли шароит яратилди. Улар иссиқ овқат билан узлуксиз таъминландилар. Бутун эътибор мавсумни барвақт тугаллашга қаратилди. Чунки, эрта эккан эрта ўришини вилоят миришкорлари жуда яхши билишади.

Қишлоқ хўжалигида экишни муваффақиятли ўтказиш ярим ютуқ деган гап. Комсомолобод районидаги Мирзаахмедов номли, Марҳамат районидаги «Андижон 50 йиллиги», Андижон районидаги Бобур номли давлат хўжаликлари, Олтинкўлдаги «Коммуна», Балиқчидаги «Чинобод», Асакадаги «Ғалаба» жамоа хўжаликларида экиш ўн кун муддатда тамомланди.

Улуғбек номли жамоа хўжалиги Булоқбоши районида биринчи бўлиб чигит экишни бошлаган эди. Дастлабки экилган майдонлардаги чигитлар бир текис униб чиқди. Шу райондаги Ойбек номли жамоа хўжалигининг Раҳматилла Ҳурибоев, Орифжон Исомиддиновлар етакчилик қилишаётган бригадаларида эса ғўза қатор ораларига биринчи ишлов бериш бошлаб юборилди. Механизаторлардан Жалолиддин Қўзиев, Абдуллажон Ёқубов, Бозорбой Сандовлар культиваторларини созлаб, ишга киришдилар.

Комсомолобод райони хўжаликларида биринчи ишлов бериш аллақачон қизиб кетган. Олтинкўл, Асака районларида ҳам яшил майдонлар кун сайин кенгайиб бораётир. Чигитни соғлом, дуркун, бир текис ундириб олиш шу куннинг бош вазифаси бўлиб қолди. Вилоят пахтакорлари бу йил режадаги 128 минг 834 гектар майдонга энг қулай муддатда — апрелнинг ўн беш иш кунида чигит экишни тугалладилар. Ҳозир ўн минг гектардан зиёд пайкалларда яшил майдонлар пайдо бўлди.

Андижон далаларида иш қайнайдиган кунлар бошланди. Комсомолободнинг Мингбулоғидан Қўрғонтепанинг Султонободигача, Жалолқудуқнинг Ёрқишлоғидан Балиқчининг «Бўстон»игача, Бўзнинг Бешгулидан Булоқбошининг Ширмонбулоғигача яшил майдонлар тобора кенгайиб бораётир. Бу оддий яшил пайкаллар эмас. Бу — Андижон пахтакорининг юрак томирларига туташган умид бўстони, орзуларининг яшил қанотидир.

А. ҚОРАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Пахтакор районидаги Ульянов номли давлат хўжалиги вилоятда илғор жамоалардан ҳисобланади. Хўжаликда ҳар йили режалар ошириб бажариб келинмоқда. Бунда деҳқончилик илмини яхши тушунадиган, тадбиркор хўжалик раҳбари Шакарбой Исроиловнинг хизмати катта. Деҳқонлар жорий йилда 2973 гектар ерга барака уруғини, қадашларни лозим. Кунига 250—300 гектар майдонга сифатли қилиб чигит экилмоқда. Бунда Шавкат Эшматов бошлиқ бригада пешқадамлик қилмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Бригада бошлиғи Шавкат Эшматов (ўртада) бригада бошлиғи ўринбосари Қаҳҳор Пўлатов, тракторчи Убайдулла Мелибоевлар экиш сифати тўғрисида фикрлашмоқдалар. 2. Барака уруғи қадалмоқда.

У. ҚУШВОҚОВ
олган суратлар.

УМУМЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ АНЖУМАНИ МАЖЛИСИ

Умумжаҳон иқтисодий анжумани дунёнинг энг обрўли халқаро ташкилотларидан бири ҳисобланади. 1971 йилда тузилган бу ташкилот ўз сафига АҚШ, Швейцария, Туркия, Ҳиндистон, Бангладеш каби кўплаб мамлакатлардан йирик иқтисодчилар, банк-молия соҳаси билимдонлари, тажрибали олим ва мутахассисларни жамлаган. Эътиборли халқаро ташкилот дунё иқтисодиётининг муаммолари, тараққиёт истиқболлари хусусида қимматли маслаҳатлар беради. Айниқса, унинг ривожланиш йўлига ўтган мамлакатларнинг жаҳон бирлашув жараёнига кириши хусусида бераётган маслаҳатлари фойдалидир. Халқаро ташкилотнинг маслаҳатлари жаҳонга юз очаётган мустақил Ўзбекистонимиз учун ҳам ғоят қимматли экани табиий. Шу жиҳатдан олганда, анжуман мажлисининг Ўзбекистонда ўтказилиши айни муддао бўлди.

Жаҳоннинг энг йирик халқаро ташкилотлари ҳамда 30 та мамлакат миллий компаниялари, фирмалари ва банклари раҳбарлари ана шу мақсадда 20 апрель куни Тошкентга келдилар.

Тошкент тайёрагоҳида меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, республика ташқи ишлар вазири С. Сафоев, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков кутиб олди.

* * *

Шу куни халқлар дўстлиги саройида анжуман мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни умумжаҳон иқтисодий анжумани Президенти Клаус Шваб очди ва Ўзбекистон билан яқиндан танишишга имконият яратилгани учун Ўзбекистон Президентига миннатдорчилик билдирди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиғилганларга Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли, мамлакатимизда кечаётган иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар, республика раҳбариятининг чет эл сармоясини иқтисодиётимизга жалб этиш ҳамда халқимизни ижтимоий ҳимоялаш, унинг тинч турмуш ва меҳнат шароитини таъминлаш йўлида амалга оширaётган ишлари хусусида сўзлаб берди.

Сўнгра мажлис қатнашчилари Президент Ислом Каримов иштирокида муҳокама этилаётган масалалар юзасидан мунозара юритдилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов ва Бош вазир ўринбосари У. Султонов анжуман иштирокчиларига мамлакатимизда хусусийлаштиришнинг амалга оширилиши, чет эл сармояларини жалб этишда иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари, сармоялар жалб этиш омиллари ҳамда уни таъмин этувчи қонуний асослар ҳақида ахборот бердилар.

Тушдан сўнг анжуман қатнашчилари секцияларга бўлиниб, банк фаолияти ва молия, қишлоқ хўжалиги, телеалоқа тармоқлари, энергетика ва маъдан заҳиралари, енгил саноат муаммолари борасида фикрлашдилар.

— Мен Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Давосда икки бор учрашиш шарафига муяссар бўлганман,—деди иқтисодий анжуман президенти ЎзА мухбири билан суҳбатда, — бу ерга келиб, мамлакатингиз иқтисодиётидаги ислоҳотлар билан яқиндан танишгач, Ўзбекистоннинг яқин 10—15 йил ичида жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари қаторига чиқишига амин бўлдим. Келажакда Ўрта Осиёнинг маркази бўлиш Ўзбекистон зиммасига тушади. Шу сабабли биз Ўзбекистон билан амалий ҳамкорлик қилишдан манфаатдормиз. Мамлакатингизга чет эл сармояларини жалб этишда, янги қўшма корхоналар барпо этишда кўмаклашиш ниятидамиз.

Йирик мутахассис ва таниқли жамоат арбобидан бундай умидбахш сўзларни эшитиш қувончлидир.

* * *

Амалий мунозаралар, мусоҳаба ва фикрлашувлардан сўнг меҳмонлар Ўзбекистон пойтахтининг дилкушо жойларини томоша қилдилар, корхоналарда бўлиб, меҳнат аҳли билан учрашдилар.

Умумжаҳон иқтисодий анжумани иштирокчилари шу куни кечга яқин Урганч шаҳрига жўнаб кетишди.

(ЎзА).

МАСЪУЛИЯТЛИ МАВСУМ

Бу йил баҳор яхши келмоқда. Шу боис чигит экишни белгиланган режа асосида бошлаб юбордик. Иш бир меъёрда бормоқда. Кунига 350 гектардан ошириб барака уруғини қадамоқдамиз. Кеча ёмғир ёғиб ўтгани эса айни муддао бўлди. Чунки кун бирданига исиб кетиб, ерда намлик камайган эди. Ёмғирнинг кўчатлар тўлиқ униб чиқишига ҳам фойдаси бор.

Жорий йилда хўжалигимизда 3577 гектар ерга барака уруғи қадалади. Ҳозиргача 1000 гектардан зиёд майдонда шундай иш амалга оширилди. Кўпгина пайкалларда пушта олиб уруғлик қадаяпмиз. Ниятимиз ҳар гектар ердан 28,5 центнердан хом ашё олиб, 10160 тонналик хирмон кўтариш. Бунинг учун бултур куздан бошлаб замин яратила бошланди. Баҳорда ер тобига келиши билан чигит экишни бошлаб юбордик. Хўжалигимиз шароитига мос «Ан-Боёвут» ва «Ан-Ҳосилдор» навлар уруғларини экяпмиз.

Деҳқончилик қилишда чўл шароитининг ўзига хос хусусиятлари бор. Техникадан унумли фойдаланиш, асосий ишни унинг зиммасига юклаш шулардан бири. Сабаби бизда бошқа вилоятларга қараганда одам кам. Шу боис агротехника қоидаларининг қайси бирини амалга оширмайлик, шуларни ҳисобга олишимиз лозим. Ҳозир экиш мавсуми муваффақиятли ўтаяпти. Бунда албатта ҳар доимгидек механизаторларимизнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Масалан, «Ўзбекистон» бўлимидан Эргаш Жабборқулов, Абдуваҳоб Мирзабоев, «Озодлик» бўлимидан Наимбек Пардаев, «Мўминобод» бўлимидан Маҳмуджон Муслиҳиддинов, Маматжон Убайдуллаевлар бошқаларга ўрнак бўлишяпти. Ҳозир далаларда 40 та сеялка таққан тракторлар самарали ишлатилмоқда.

Режа бўйича 25 апрелгача чигит экишни тамомлашимиз керак. Яна бир неча кундан кейин илгарироқ экилган майдонларга ишлов беришни бошлаб юборамиз. Топшириқни камида 500 тонна ошириб бажариш ниятимиз бор. Чунки режадаги ҳосилнинг 120 фоизи ва ундан ошиқ хом ашёнинг ҳаммаси ўзимизда қолаётганини деҳқонларимизни руҳлантириб юборди. Фақат шунинг ўзидан олинаётган даромад режа бўйича олинаётганидан кўп бўлмоқда. Деҳқонларимиз ёмғирни тилга олиб, осмондан барака ёғилди, деб хурсанд бўлмоқдалар. Ишқилиб бу йил деҳқончилик йили бўлсин. Президентимиз И. Каримов «Деҳқон тўқ бўлса, давлат бадавлат бўлади» деб бежиз айтмаган.

Тўрабек УМРЗОҚОВ,
Боёвут районидаги «Боёвут» давлат хўжалиги директори.

ЕХҲК делегацияси келди

Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш (ЕХҲК)нинг расмий делегацияси 20 апрель куни Ўзбекистонга келди. Делегацияга мазкур кенгашнинг раиси, Швеция қироллиги ташқи ишлар вазири Баронесса Маргарета Аф Углас хоним бошчилик қилмоқда. Тошкент аэропортида ҳурматли меҳмон шарафига Швеция қироллиги ва Ўзбекистон Республикасининг давлат байроқлари кўтарилди.

Делегация аъзоларини Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. С. Сафоев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Самолёт пиллапояси ёнида Маргарета Аф Углас хоним журналистларнинг саволларига қисқача жавоб қайтарди.

— Делегациямиз таркибида ЕХҲКга аъзо бўлган турли давлатларнинг вакиллари бор, — деди у. — Ҳаммаларининг кайфияти яхши. Ўзбекистон раҳбарлари, жамоатчилик намояндалари билан бўладиган учрашувлар самарали ўтишига аминман. Ўзбекистон Европада ҳам, бутун дунёда ҳам хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлаш жараёнида муносиб ўрин олиб турибди.

— Ўзбекистоннинг сиёсати демократия ва тараққиётга интилиш тамойиллари асосига қурилмоқда, — деб таъкидлади Ўзбекистон ташқи ишлар вазири С. С. Сафоев. — Республика Президенти, раҳбарияти инсон ҳуқуқларига риоя этилишига, мустақил Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатларнинг маданияти ҳамда анъаналари ҳар томонлама ривожланишига алоҳида эътибор бермоқдалар. Республика ЕХҲК фаолиятида ҳам, шунингдек бошқа халқаро жамоат ташкилотларининг ишларида ҳам фаол қатнашишга тайёр.

(ЎзА).

ТЎРТ ИШ КУНИДА

Ўртачирчиқ районидаги Ким Пен Хва корпорацияси деҳқонлари тўрт иш кунида ерга барака уруғи қадаб бўлишди. Жами 885 гектар ерга чигит экилди. Айниқса, Карим Умрияев бошлиқ 7-, Утеген Абдуваҳобов бошчилик қилаётган 8- ва Абдуҳамид Пўлатов бош бўлган 15-бригадада чигит экиш тез ва уюшқоқлик билан ўтди. Бунда тракторчилардан Абдуолим Каримов, Абдужалил Муродов, сеялкачилардан Бердиёр Анваров, Икром Ортиқовлар ўрнак бўлишди.

— Бу йил тезпишар, толаси пишиқ ва ҳосили мўл «Фарғона-3» навини экдик,— дейди корпорация бошқаруви раиси Т. Маманов, —Уруғлик чигити Фарғонанинг Ўзбекистон районидаги Ғафур Ғулом номли уруғчилик хўжалигидан олиб келинди.

У. ШАРОПОВ.

ЖАДАЛ СУРЪАТ

Зафаробод районидаги Собир Раҳимов номли давлат хўжалиги аъзолари жорий йилда 3090 гектар ерга барака уруғи қадашлари керак. Ҳозиргача 2,5 минг гектар майдонда чигит экилди.

Биз давлат хўжалиги директори Тошпўлат Эргашевни ҳам экин экилаётган пайкалда учратдик.

— Мавсум яхши бошланди,—деди Тошпўлат ака.— Бу табиатнинг деҳқонга инъоми.

Хўжалик раҳбари билан дала айландик. Уруғлик, ёнилғи, эҳтиёт қисмлар етарли. Хўжалик мутахассислари буларни олдиндан тайёрлаб қўйдилар.

Барака уруғини қадаш айниқса Карим Ражабов, Абдурасул Мамадалиев, Саидаҳмад Донабоев бошлиқ бригадаларда сифатли ва жадал суръат билан олиб борилмоқда. Бунда моҳир механизаторларнинг хизмати катта бўлмоқда. Улар учун барча шарт-шароит яратилган.

Давлат хўжалиги аъзолари жорий йилда 8350 тонна чўл дурдонаси етиштиришмоқчи. Режа — ҳар гектар ердан 28,5 центнердан хом ашё олиш. Бунинг учун ўтган йилнинг кузида пухта замин яратилди. Ер сифатли қилиб шудгорланиб, қишда маҳаллий ўғитга тўйинтирилди. Яхши дам олган замин баҳорда енгил ишлов бериш билан дарров тобига келди. Ҳозир тупроқ юмшоқ ва донадор.

Хўжалик ишчилари об-ҳаво қийинчиликларига қарамасдан қатор йиллардан буён барча тармоқлар бўйича режаларни уддалаб келишмоқда. Ўтган йили 3100 гектар майдонда ғўза ўстирилиб, ҳар гектар ердан режадаги 27 центнер ўрнига 28,5 центнердан чўл дурдонаси йиғиштириб олинди. Йил эса 44 миллион сўм соф фойда билан якунланди.

— Чўлнинг инжиқликлари кўп, — дейди Тошпўлат ака. — Биз иш давомида орттирган тажрибамиз, фидокорона меҳнатимиз билан уларни бартараф этиб келяпмиз.

Бошқа экинлар аллақачон экиб бўлинган. Ҳозир 350 гектар ердаги буғдой парваришланаяпти. Бу ўтган йилдагидан 100 гектар кўп.

Хўжалик аъзоларининг бу йилги ниятлари катта. Улар жорий йилда ҳам барча соҳаларда юксак натижаларга эришмоқ учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ҳ. КАРИМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎН ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати қарор қилади:

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессияси 1993 йил 6 майда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 20 апрель.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн иккинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилади:

1. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.
2. «Ўзбекистон Республикасининг конституциявий суди тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.
3. Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида.
4. Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасидагі дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида.
5. «Ер солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
6. «Суғурта тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
7. «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
8. «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
9. «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
10. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
11. «Ҳокимлар ва маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
12. «Турар-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
13. «Мулкчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида.
14. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида.
15. «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида.
16. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида.
17. «Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида.
18. «Маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
19. «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида.
20. Ўзбекистон Республикаси ҳаво кодекси лойиҳаси тўғрисида.
21. Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенцияга доир тузатишларни ратификация қилиш ҳақида.
22. «Умумфойдаланишдаги ҳаво, темирйўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг давлат мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
23. «Жамиятни ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
24. «Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
25. Ўзбекистон Республикасининг «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисида.
26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.
27. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисида.
28. Ўзбекистон Республикасининг давлатлар ҳамда ажнабий шахслар ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги конвенцияга қўшилиши ҳақида.
29. Айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида.

Касаба уюшмалари фаолияти

БОЗОР ИҚТИСОДИ ВА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА

Жамиятимиз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Сўнгги ўн йилликда бошқарувнинг издан чиқиши туфайли кўпгина соҳалар орқага кетди. Минг шукрлар бўлсинким, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуслари билан меҳнаткашнинг манфаатдорлигини ошириш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Жумҳурияти Олий Кенгаши ва Вазирлар Маҳкамасининг 1989 йил 15 августдаги «Колхозчилар, давлат хўжалиги ишчилари, фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва янги тартибда уй-жой қурилишини ривожлантириш ҳақида»ги қарори деҳқонга қилинган ҳақиқий ғамхўрлик бўлди. Бу борада вилоятимизда кенг кўламда ишлар амалга оширилди. 1989 йилнинг январь ойида вилоятда 157.684 шахсий хўжаликлар бўлиб, уларда 25.278 гектар ер майдони, яъни ҳар бир оилада 0,16 гектар томорқа ери бор эди. 1992 йилга келиб қишлоқларимизда 225.751 хонадонга 44.558 гектар ер майдони уй-жой ва томорқа сифатида бўлиб берилди.

Қишлоқ кенгашларидан олинган маълумотларга қараганда шахсий томорқа бериш ва уй-жой қуриш учун меҳнаткашлардан 1992 йилда 9549 аризалар тушган. Хўш, аҳолини томорқа ва уй-жой қуриш учун ер берилиши борасидаги Президент фармони жойларда қандай амалга оширилмоқда? Воҳамиздаги барча район ва хўжаликларда шахсий томорқа ва янги тартибда уй-жой қуришга эҳтиёжи бўлган меҳнаткашларни ҳисобга олиш комиссиялари тузилган. Уларнинг раислари жойлардаги хўжалик раҳбарларидир. Комиссия аъзолари эса касаба уюшмаси қўмиталари раислари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорларидан ташкил топган. Лекин шунга қарамасдан айрим хўжаликларда меҳнаткашларни ер билан таъминлашда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Натижада ернинг ҳақиқий эгаси бўлган деҳқон ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ниятида хўжалик раҳбарларидан нолиб, юқори ташкилотларга, касаба уюшмалари идораларига ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилмоқдалар. Кейинги икки йилда вилоят касаба уюшмамизга шахсий томорқа уй-жой қуриш учун ер майдонлари ажратишдаги ноҳақликларни бартараф этиш учун меҳнаткашлардан 106 та ариза ва шикоятлар тушди. Жумладан Қизириқ районы «Истара» давлат хўжалигида яшовчи Худойқулов Араб, Денов ноҳияси Охунбобоев номли жамоа хўжалиги аъзоси Норқобилова Анорлар уй-жой қуриш учун ер ололмаётганликларини баён қилиб, ариза билан мурожаат этдилар. Вилоят касаба уюшмаси қўмитасининг аралашуви билан уларнинг аризалари ижобий ҳал қилинди.

Иқтисодий танглик ҳукм сураётган ҳозирги шароитда ҳар қарич ер бебаҳо бойлик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам берилган томорқалардан унумли фойдаланиш, уларда етиштирилган маҳсулотларни ўз вақтида истеъмолчиларга етказиш, озиқ-овқат таъминотини яхшилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Вилоятимизда тузилган шахсий ёрдамчи хўжаликлар ассоциациясининг жойлардаги бўлинмалари шахсий томорқаларда етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай, шартнома асосида деҳқондан сотиб олиб, бозорларимиз тўкинлигига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. 1992 йилда 5027 тонна полиз ва сабзавот маҳсулотлари, жумладан 250 тонна помидор, 272 тонна пиёз, 1998 тонна сабзи уларнинг саъй-ҳаракатлари билан истеъмолчиларга етказиб берилди.

Бозор иқтисодиёти қийинчиликлари шароитида меҳнаткашларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларнинг олтинга тенг вақтларини асраш учун шахсий томорқада етиштирган маҳсулотларини сотиш борасида касаба уюшмалари жойлардаги матлубот жамиятлари, кичик корхоналар билан деҳқонлар ўртасида шартнома тузишда кўмаклашмоқдалар.

Давр ўзгармоқда, шунга қараб одамлар, ижтимоий-иқтисодий муҳит ҳам ўзгармоқда. Халқнинг талаби ва эҳтиёжи кундан-кунга ўсмоқда. Мустақиллик нашидасидан баҳраманд бўлаётган меҳнаткашлар эркин ва мустақил яшашни, ўз мулкига эгалик қилишни хоҳлашади.

Аммо бугун унга «еринг борми, аравангни ўзинг торт» қабилида муомала қилишга чек қўйиш лозим. Корхоналар ичидаги ва қуроллари, кичик техника воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишлари, ветеринария, химия, агрохимия ишлари бўйича пуллик хизматлари билан шахсий томорқа эгаларига ёрдам беришлари мумкин. Бу борада шахсий томорқа хўжаликлари ассоциациясига катта вазифалар юкланган. Унинг жойлардаги бўлинмалари аъзо бўлиб кирган шахсий хўжаликларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишлари керак. Жумладан, иш қуроллари, уруғлик, ўғит, техника воситалари билан кўмаклашишлари зарур. Хўжалик раҳбарлари, таъминот ташкилотлари, савдо, матлубот жамиятлари ҳам уларга ёрдам қўлини чўзишлари талаб этилади.

Шахсий томорқа эгаларининг уй-жой қуришлари ҳозирги иқтисодий танглик, қурилиш материалларининг нархи ошган пайтда оғир муаммо бўлиб турибди. Вилоятда уй-жой қуриш учун ер майдонлари олган меҳнаткашларнинг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжи бор йўғи 30—40 фоизга таъминланган. Қурилиш материаллари нархининг ошиб кетиши оқибатида уй-жой қуриш оғир кечмоқда. Россиянинг ташкилот ва корхоналари билан қурилиш материалларини қишлоқ хўжалик маҳсулотларига алмаштириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Мавжуд шароитларни ҳисобга олиб, хўжалик раҳбарлари, ишбилармон ва тадбиркорлар маҳаллий қурилиш материаллари, жумладан, ғишт, оҳак, плиталар ва ҳоказоларни ўзларида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бунинг учун зарур асбоб-ускуналарни маҳсулот айирбошлаш йўли билан олиш мумкин.

Ҳозирги кунда вилоят давлат хўжаликларида йилига 150 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 60 дан ортиқ агрегатлар мавжуд. Жамоа хўжаликларида эса 25 миллион дона маҳсулот чиқариш қувватига эга бўлган ғишт заводлари бўлишига қарамай улардан самарали фойдаланишга эътиборсизлик қилинмоқда. Ушбу ғишт заводларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш ниятида вилоят касаба уюшмалари махсус хизмат идорасини ташкил этиш зарурлигини таклиф этади. Излаган имкон топади, деганларидек тадбиркорлик қилинса, айрим қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжни вилоятнинг ўзида ҳал қилиш мумкин. Масалан, табиат инъом қилган хас-хашак, қамиш, похол, сомон ва ғўзапоядан унумли фойдаланиб, ундан ДСП ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Бу эса қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжни бирмунча таъминлайди. Уюшмамиз жойлардаги ишбилармонлар билан мулоқотда бўлиб, қурилиш материаллари тақчиллигини бартараф этиш учун амалий тадбирлар ишлаб чиқмоқдалар.

Шахсий хўжаликда ишлаётганларнинг меҳнат стажи, қарилик пенсиясига чиқиш ҳуқуқи, дам олиш уйлари, санаторияларга бориб даволанишлари, йўлланмалар олишлари давлат ташкилотларида ишлаётган ишчилар билан тенгдир. Бу борада жойлардаги касаба уюшмамиз ходимлари кенг қўламда тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Чунки шахсий деҳқон хўжалигида меҳнат қилаётганларнинг яккаланиб қолишларига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашининг 1990 йил 27 февралда қабул қилинган «Шахсий хўжаликда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда машғул бўлган хотин-қизларнинг меҳнат стажи ҳақида»ги, 1991 йил 19 августда қабул этилган «Шахсий хўжаликларда шартномалар асосида мол ўстириш ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан машғул бўлган фуқароларнинг меҳнат стажи ҳақида»ги қарорларида кўрсатиб ўтилган талабларнинг бажарилишини жойлардаги касаба уюшма қўмиталари хўжалик раҳбарлари билан бирга назорат қилмоқдалар.

Вилоят деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмамиз шахсий томорқа хўжаликларнинг энг яхши тажрибаларини кенг оммалаштириб, вилоят радио ва телевидениеларида чиқишлар ташкил этмоқда. Президент фармонларини бажаришдаги фаолликлари учун хўжаликлар билан келишган ҳолда фоизсиз қарзлар бериб, арзон баҳода ишлаб чиқариш воситалари: ўғит, техника, қурилиш материаллари, омухта ем сотишни ташкил этмоқда. Бу ўз самарасини бериб, оддий деҳқоннинг ерга бўлган меҳр-муҳаббатини ошириб, янада катта ишларга ундамоқда.

А. ДЕЛЕВЕРХОНОВ,
Сурхондарё вилояти деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси.

РИЗАМАТ ОТА ВОРИСЛАРИ

Қибрай туманига қарашли Ризамат ота Мусамуҳамедов номли давлат хўжалиги асосан узумчилик ва боғдорчилик ишлари билан шуғулланади. Жамоани ўн йилдирки, деҳқончилик ва боғдорчилик ишларини яхши тушунган, иқтидорли мутахассис Қаҳрамон Алимбеков моҳирлик билан бошқариб келмоқда. Хўжаликда 6 минг киши истиқомат қилади, 791 гектар ерга эга бўлган хўжаликнинг 251 гектари боғ-роғ, 321 гектари эса токзорлардан иборат. 420 киши меҳнат қилаётган бу хўжалик йилдан-йилга давлат режаларини ошиғи билан бажариб келмоқда. Бу соҳибкорлар ўзлари етиштираётган ҳосил учун ишбай усулида меҳнат ҳақи олмоқдалар. Шу сабабли ҳам ишчилар яхши ҳаёт кечирмоқдалар. Хўжалик 1992 йилги об-ҳаво ноқулайликларига қарамай, 34 миллион сўм даромад олди. Унинг 30 фоизи ишчиларга мукофот тарзида берилди. Хўжалик раҳбарияти 1992 йили аҳолига яхши шароит яратиб бериш борасида бирмунча ишларни амалга оширди. Жумладан, 10 километрлик масофадаги хонадонларга табиий газ келтирилди. Айни кунларда 422 ўринли мактаб биноси қад кўтармоқда. Янги поликлиника биноси, 500 тонна хўл мева сақланадиган омбормузхона қурилиши тугалланиб ишга туширишарафасида. Совхоз вино заводи мунтазам ишлаб турибди. Ҳар йили ўз маҳсулотларини дастлабки тарзда қайта ишлаб, Тошкент вино заводига 5—6 минг тонна ярим тайёр маҳсулот сотмоқда.

Аҳолини уй-жой, ер участкалари билан таъминлаш масаласи бу хўжаликда ҳаҳ ҳал этилаяпти. Шахсий уй-жой қураётганлар учун эса 1,5 миллион сўмлик қурилиш материаллари арзон нархларда берилмоқда.

Хўжаликда бу йилги иш мавсуми ҳам яхши тадбирлар билан бошланди. Қолаверса, Наврўз муносабати билан давлат хўжалигидаги ўтказилган тантаналар эсда қоларлик бўлди. Наврўз байрамида 25 оилага пул мукофоти, 2 та оилага эса биттадан бузоқ ҳадя қилинди.

— Меҳнат ва уруш фахрийлари оилалари ҳар вақт хўжалик раҳбарлари диққат марказида. Уларга моддий ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб келинмоқда, — дейди совхоз директори Қаҳрамон Алимбеков.

Ҳозир хўжалик боғларида иш қизғин. Боғбонлар биринчи навбатда токни очиб, уларни эса симбағазларга тараб чиқдилар. Мевали дарахтларга ҳам ишлов берилмоқда. Уларнинг ортиқча шоҳлари буталди, касал тушмаслиги учун дастлабки дорилар пуркалди. Миришкорлар баҳорги ишларини янада авж олдирмоқдалар.

Шу кунларда тракторчилар учун тушлик иссиқ овқат хўжалик ҳисобидан бепул берилмоқда. Тракторчилар, миришкорлар бу йил ҳам ишбай усулда меҳнат қилишмоқда. Уларнинг ойлик маоши 16—18 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Хўжаликда боғдорчиликдан ташқари, боқилаётган 400 бош қорамол учун емхашак етиштириш майдонлари ҳам мавжуд. 1992 йилги ғамланган ем-хашак шу йилнинг май ойларигача етиб ортади. Суюнбека Зарипова сингари илғор сут соғувчиларни, боғдорчилик бўйича яхши кўрсаткичларга эришгани учун Президент томонидан Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган Қаҳҳор Раҳматуллаевларнинг номларини хўжалик аъзолари ҳурмат билан тилга олишади.

Таниқли соҳибкор боғбон Ризамат ота Мусамуҳамедов ёшлигидан умрининг охиригача ҳормай-толмай меҳнат қилган азиз инсонлардан эди. Отанинг вафотидан кейин номини абадийлаштириш мақсадида давлат хўжалигига унинг номи берилди. Ҳозир ота яратган хилма-хил узум навлари шу хўжаликда экилиб, парваришланиб, тонналаб шириншакар ҳосил олинмоқда. Қ. Раҳматуллаев, Й. Йўлдошев, Р. Алимбоева, Т. Жўрабекова, Т. Раимова сингари қўли гул соҳибкорлар ота изидан бориб, хилма-хил узум навларини парваришлаётганлардан саналадилар.

Хўжалик миришкорларининг бу йилги олинадиган ҳосилдан умидлари катта. Об-ҳаво қулай келиб боғлардан мўл ҳосил олинса, хўжалик аъзоларининг ҳам, шаҳар аҳолисининг ҳам катта бахтидир.

Хўжаликда сутни шакар билан қайта ишлаш цехи ишга тушиш арафасида. Ҳар куни 360 литр ишлаб чиқариладиган ширин сут Қибрай райони боғча-ясли-ларига тарқатиш учун мўлжалланмоқда.

Хўжалик марказида аҳолининг дам олиши учун кинотеатр, клуб мунтазам ишлаб турибди. Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш жоизки, хўжаликка Тошкент трактор заводидан ягона автобус қатнайди. Шу 5—6 километр масофани босиб ўтиш учун аҳоли соатлаб автобус кутиб, олтинга тенг вақтини бекор ўтказмоқда. Мутасадди ташкилотлар бу муаммони ҳал этишса мақсадга мувофиқ бўларди. Келгусида хўжалик миришкорларининг барча ниятлари амалга ошишига, уларнинг турмуш даражалари янада ошишига ишончимиз комил.

Р. ОРИПОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. Касаба уюшмаси қўмитаси раиси Рустам Шокаримов (чапдан), бош муҳандис Энвер Муратов, механизатор Фазлиддин Фахриддиновлар экиш олдидан уруғни кўздан кечиришмоқда. 2. Экиш пайти. 3. Миришкорлар Р. Алимбоева (чапдан), Т. Раимова, хўжалик раҳбари Қ. Алимбеков ва Т. Жўрабекова баҳорги юмушлар хусусида фикрлашмоқдалар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

Андижон вилояти Қорасув шаҳри билан Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳри ва Қорасув-туманининг меҳнат жамоалари, ижодкор зиёлилари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар ташкилотлари вакилларининг учрашуви бўлди. Учрашув Қорасув ҳокимлигининг ташаббуси билан уюштирилди. Икки мустақил қўшни республика халқлари ўртасидаги қадимий дўстликни тиклаш ва мустаҳкамлаш ҳақида, ёшларни дўстлик ва яхши қўшничилик руҳида тарбиялаш тўғрисида қизғин суҳбат бўлди.

Учрашув қатнашчилари мана шундай гурунгларни мунтазам ўтказиб туриш ҳақида, халқ хўжалиги тармоқларининг делегацияларини бир-бирларига юбориб туриш тўғрисида, қўшни вилоятларнинг маданият ва спорт соҳасидаги алоқаларини мустаҳкамлаш ҳақида келишиб олдилар.

(ЎзА мухбири).

ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДА ЧИННИ ЦЕХИ

Хоразм вилояти Боғот туманидаги Дўсов номли колхознинг чинни цехи буюртмалар дафтари тўлиб кетди. Унда ишлаб чиқарилаётган чиройли лаган, чойнак, пиёла ва бошқа идишларга қўшни Қорақалпоғистонда ҳам талаб катта.

Чинни пишириш учун юқори сифатли хом ашё Қорақалпоғистондан олинмоқда. Бунинг эвазига хўжалик усталари маҳсулотнинг бир қисмини қўшниларга юборишмоқда. Собиқ пахтакорлардан 600 киши ҳозир шу корхонада ишламоқда. Пахтазорлар камайиб, илғор технология жорий этилгач, бўшаб қолган кишиларни иш билан банд қилиш учун мана шу цех қурилган эди. Дастлабки пайтларда ўз харажатларини қоплай олмаган цех жамоаси энди ҳатта даромадли корхонага айланди. Цех ишчиларининг маоши пахтакорларникидан оз эмас. Ишлаб топилган фойданинг анчагина қисми ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва янги машина-ускуналар сотиб олишга ишлатилмоқда.

ЗАВОД СУРЪАТНИ ОШИРМОҚДА

Нукус кабель заводининг биринчи навбати ишга тушди. У Марказий Осиёдаги шу тармоқнинг энг йирик корхоналаридан бири бўлиб қолади. Завод «Қорақалпоқагромаҳсустаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида ишлайди.

Ҳозирча бу ерда атиги бир неча 10 киши меҳнат қилмоқда. Келгусида корхона ходимлари бир неча минг кишига етади. Аввал бошданоқ бу ерда жаҳон андозаларига мос келадиган ва ривожланган мамлакатларда манзур бўла оладиган маҳсулот ишлаб чиқариш назарда тутилмоқда. Бироқ рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун замонавий машина-ускуналар ва илғор технологиялар зарур. Германиянинг машҳур «Скет» фирмаси нукусликларни мана шуларнинг ҳаммаси билан таъминлайди. Электроника асбоблари ўрнатилган дастлабки станоклар корхонага етиб келди. Улар монтаж қилинмоқда, айни вақтда бу станокларда ишлайдиган мутахассислар тайёрланмоқда.

Ҳозирги мураккаб иқтисодий вазиятда ёш корхонанинг муаммолари кўп, албатта. Аввало янги цехларни қуриш учун пул ва қурилиш материаллари керак. Бир неча йилдан кейин корхонанинг иккинчи навбати ишга туширилиб, йилига ҳозирги нархларда 100 миллионлаб сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарила бошлайди.

(ЎзА).

ИЛҒОР УСУЛ ШАРОФАТИ

Кўпчилик қишлоқ хўжалиги олимлари, мутахассислари ва тажрибакорларнинг фикрича, ғўзанинг ҳосилдорлигини ошириш, тола сифатни яхшилаш, уни эрта етилишини таъминлаш борасида катта имкониятларга эгамиз. Аммо ана шу имкониятлар изланаётгани, ишга солинмаётгани туфайли ҳам пахтакорлар кўп меҳнат қилиб, оз самара олишяпти.

Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти олимлари Москва, Иркутск, АҚШ, Германия ва Франция олимлари билан ҳамкорликда бир неча йилдан бери мўл, сифатли, эртаки, таннархи арзон пахта етиштиришни таъминлаш борасида тадқиқот олиб бордилар. Илмий изланишлар ўз самарасини берди. Ҳосилни оз меҳнат билан кўпроқ, сифатлироқ ва эрта етиштириш технологияси ишлаб чиқилди. Бу технология чигитга экишдан олдин ишлов бериш, ғўзани чилпиш ва пахта очилишини тезлатиш жараёнларидан иборат.

Маълумки, Ўзбекистон пахта етиштирадиган энг шимолий жумҳуриятдир. Шунинг учун эрта баҳорда оби-ҳавонинг ноқулайлиги туфайли экин майдонларининг анчагина қисмида чигит қайта экилади. Натижада катта миқдорда уруғлик ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари — пахта мойи, ёғ, кунжара, порох, киноплёнка, спирт, глицерин ва бошқа моддалар бой берилади. Бу салбий ҳодисани бартараф этиш учун Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтида чигитни экишдан аввал Мивал препарати билан ишлаш усули ишлаб чиқилган. Унинг ишлатилиши ноқулай оби-ҳаво шароитида ўсимликларнинг юз фоизлик кўчат қалинлигини таъминлайди. Ушбу препаратнинг ишлатилиши ҳатто шўрланган тупроқларда ҳам экишни туксизлантирилган чигит билан ўтказиш имконини яратади. Энг муҳими, дори таъсирида тола чиқиши 1—3 фоизга кўпаяди ва ғўзанинг гуллаши кескин тезлашади.

Бу кўрсаткичлар институтда олиб борилган ва «Цианамид компани» Америка фирмаси ўтказган кўплаб тажрибалар натижалари билан тасдиқланган. 1992 йили Вильбург-Эллис фирмаси таклифига биноан ишланма муаллифи АҚШга бориб, бу янгликни Техас, Калифорния, Миссисипи штатлари шароитида қўллади. Мивал кремний органик препаратини қўлланилиши жуда содда, ҳаммабоп ва экологик жиҳатдан зарарсиздир.

Ғўза етиштириш жадал технологиясининг муҳим таркибий қисми кимёвий чилпишдир. Ўз вақтида ва тўғри ўтказилган чилпиш ҳосил нишоналари тўкилишини камайтиради, пахта очилишини тезлаштиради, эртапишар, мўл ҳосил олиш имконини яратади. Жаҳон амалиёти (АҚШ 1903, Миср 1923, Греция 1938)нинг кўрсатишича, барвақт ва кеч ўтказилган чилпиш ўсимликларни нотўғри ривожланишига ва ҳосилнинг камайишига олиб келади.

Парвариш даврида берилган минерал ўғитлар, сув ва юқори ҳарорат таъсирида ғўза жадал ривожланади ва амал даври сўнггида бўйи ўсиб кетади, бу эса пахтани машинада теришни қийинлаштиради. Шу сабабли пахтакорлар ғўзани ўсиш нуқтасини узиб чилпишади. Аммо ғўза қўлда чилпилгандан кейин ён шохларнинг ўсиши кучаяди ва қаторлар ораси бирикиб кетади. Натижада пастки ярусдаги кўсаклар анча кичраяди. Аэрация йўқлиги сабабли айрим кўсаклар чирий бошлайди. Ундан ташқари қатор оралари ён шохлар билан қўшилишида барглар сони кескин кўпайиб кетади. Бу дефолациянинг ўтказилишига халақит қилади ва дефолиантлар сарфини оширади.

Механизмлар билан чилпишда тракторга осилган чилпиш машинасининг пичоқлари зарур баландликка ўрнатилиб, ғўзанинг юқори қисми кесилади. Бунда фақат ғўза поясининг учи кесилиб, ён шохлар кесилмай қолади. Ўсимлик учи қирқилаётганда ҳосил шохлари ва кўсаклар ҳам қирқилиб кетади. Бу ҳосилдорликка салбий таъсир этади.

Бундай салбий ҳодисаларни Германия жумҳурияти, БАСФ фирмасининг маҳсулоти ПИКС препаратини қўллаб бартараф этиш мумкин. Уни қўлланилганда ғўза арчасимон шаклга киради, яъни шохчалар ўсиш жараёнида қисқарган шаклга эга бўлади. Бу қаторлар ораси шамоллашини яхшилайди, натижада кўсаклар чиришининг олди олинади. Уларда вазн катталиги ортади ва энг муҳими биринчи терим ҳосили 5—12 центнергача ортади. 25 гектар майдонни битта тракторчи ПИКС билан ишлаганда 150—200 кишининг меҳнати ўрнини босади. Энг муҳими, ёнилғи (дизель ёнилғиси) 6 мартагача тежалади. Ушбу кўрсаткичлар кўплаб илмий изланишлар, шунингдек ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган 40 га яқин тажрибалар натижалари билан исботланган. Бизнинг ишланма бўйича Қозоғистон жумҳуриятининг Чимкент вилояти 4 йил давомида ҳар йили 100 тоннадан ПИКС сотиб олади. Шу вилоятдаги Еттисой номли давлат хўжалиги қариб 4 минг гектар майдонда ПИКС қўллаб, пахта ҳосилини гектар бошига 26 дан 31 центнергача оширди.

Жумҳуриятда пахта тайёрлаш режасининг қандай бажарилиши асосан кузда об-ҳавонинг қулай келишига боғлиқ. Баъзи йиллари жумҳуриятда теримни жуда мушкул шароитда қор ва ёмғир ёғиб турганда ўтказишга тўғри келган. Пахтакорлар бунинг олдини олиш мақсадида пахта териш машиналарини далага барвақт киргизадилар, оқибатда пишиб етилмаган кўсаклар эзилиб, ундаги намлик буғланиб кетади. Бу эса кўсакларнинг эрта очилишига олиб келади. Худди шу пайтда ҳосилнинг анча қисми йўқотилади ва унинг сифати пасаяди.

Ушбу салбий ҳолни бартараф этиш учун дунёнинг кўпчилик пахта етиштирадиган мамлакатларида ғўза ривожланишини тезлатувчи модда — Преп препаратини ишлатишади. У дефолиациядан 6—8 кун аввал сепилади. Ўтган йили Наманган ва Чимкент вилояти пахтакорлари Преп-ни дропп дефолианти билан бирга ишлатиб, юқори самарага эришдилар. Бу ҳолда дропп препарати сарфи икки ҳисса камаяди.

Преп препаратининг қўлланилиши физиологик жиҳатдан етилган кўсакларнинг очилишини тезлаштиради. У биринчи терим пахта ҳосилини гектарига 8—10 центнергача оширади. Умуман қўшимча олинган ҳосил 2—3 центнерни ташкил этади. Энг муҳими, Преп қўлланилгандан сўнг пахта сифати пасайиши кузатилмайди, аксинча Наманган вилоятида тола чиқиши 1,4 фоизга кўпайгани ва чигитнинг вазни ортгани аниқланди. Бу борада Андижон вилояти Балиқчи тумани А. Мўминов номли жамоа хўжалигида ўтказилган тажриба алоҳида эътиборга сазовордир.

Бу ерда кузги жавардан кейин (10 майда) ғўза экилган. Шу кечки ғўзада Преп қўлланилиши туфайли мақбул муддатларда экилган ғўза билан бир вақтда очилиб, пахта ҳосили гектар бошига 35 центнерни ташкил этди. Терилган пахта ниҳоятда тозалиги, оқлиги билан ажралиб турган, унинг сифати ҳам яхши.

Кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, янги технологияни қўллаш орқали гектарига қўшимча 3—5 центнер пахта олиш билан бирга кузда ерларни шудгорлашга ва оралиқ экинларни экишга 20 октябрдан киришиш мумкин. Бу усул туксизлантирилган чигит билан экиш ва тўлиқ туп қалинлиги олишни таъминлайди. Пахтакорлар ғўзани қўлда чилпишдан, ортиқча харажатлардан тўлиқ халос бўладилар. Юқорида айтганимиздек, олинган қўшимча ҳосил 3—5 центнерга етади. Препаратни сотиб олиш учун эса бир центнер пахта ҳосили кифоядир.

У. МАДРАҲИМОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

Тажриба, таҳлил, таклиф

ҚУТ-БАРАКА— ҲАЛОЛ МЕҲНАТДА

Меҳр-оқибат, тотувликда ҳикмат кўп. Тинчлик, хотиржамлик бор жойда барака, мўл-кўлчилик бўлади. Ўзбекистон халқининг ҳаётини яхшилаш, фаровонлигини таъминлаш борасида Президентимиз ҳаётбахш тадбирларни амалга оширмоқда. Дастлабки натижалар улар мевасини кўрсатаётганидан далолатдир. Қарс икки қўлдан, деганларидек, барчамиз ўз жойимизда унумли меҳнат қилишимиз, тартиб-интизомни мустаҳкамлашимиз лозим. Осойишталикни сақлаш эса энг муҳими. Шундагина мақсадга эришамиз, дориламон кунларга тез етамиз.

Ҳа, давлатимиз қудрати меҳр-оқибату, тотувликда. Японияликлар турмуш тарзига дунёдаги миллионлаб кишиларнинг ҳаваси келади. Уларнинг ҳар соҳада илгарилаб кетганликлари сири билан қизиқади. Фикримча, биринчи сири ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурматда бўлса керак. Японияда инсон инсонни ниҳоятда ардоқлайди, бир-бирининг иззатини жойига қўяди. Биз японларнинг шу хислатларини ҳам ўрганмоғимиз жоиз. Зеро, кексаларимиз айтганидек бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш шу мамлакат фуқаросиман деган инсоннинг муқаддас бурчи.

Шу ниятда районимиз меҳнаткашлари ҳам фидокорона меҳнат қилишаяпти. Эришилаётган кўрсаткичлар қувончли. Бултур 1991 йилга нисбатан ҳар соҳада юксалиш таъминланди. Қабул пунктларига 20 минг тоннадан зиёд дон топшириб, режани 5,1 марта ошириб ўринлатдик. Шунингдек, пахта режаси 113,1 (34.068 тонна), пилла 142,3, сабзавот 104,4 (6.785 тонна), полиз маҳсулотлари 120 (3125 тонна), картошка 4,2 бараварга, мева 148,8, узум 111,8, сут 103,2 (5.159 тонна) қорақўл тери топшириш режаси 110,9 (26.613 дона) фоиз бўлди. Давлатга 1.388 тонна гўшт, 2 миллион 639 минг дона тухум, 3666 центнер жун сотилди, яъни бу борадаги топшириқлар ҳам ортиғи билан уддаланди.

Кўрсаткич юқори бўлса, олинадиган фойда ҳам ортаверади. 1992 йилда давлатга барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишдан бир миллиард икки юз миллион сўмлик даромад кўрилди. Президентимиз фермонларига асосан қолган қисмини сотишдан бир миллиард беш юз миллион сўм даромад олишни кўзлаяпмиз. Район бўйича рентабеллик даражаси 71 фоизни ташкил этди. Хуллас, имкониятлардан унумли фойдаланиб, район аҳолисининг ижтимоий турмушини яхшилаш асосий вазифамиз.

Ҳозир ҳеч кимга осон эмас. Битта иморатни тиклашга қанча харажат кетиши, қанча машаққат чекилиши ёшу қарига аён. Лекин шундай экан, деб қўл қовуштириб тураверишмиз, бошланган ишни чала қолдириш мумкинми? 1992 йили 1409 ўринли мактаб, 75 ўринли чойхона, тўртта икки қаватли турар-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Айни кунларда районимизда сут заводи ва жун тозалаш корхонаси қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Шунингдек, замонавий ускуналар билан жиҳозланадиган ун заводи жадал қад кўтармоқда. Йил охиригача яна 2 та мактаб, 3 та боғча, 150 ўринли чойхона ва қатор иншоотлар ишга туширилади.

Республикамиз Президентининг аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш ҳақидаги фармонини бажара бориб, бир мунча юмушлар амалга оширилмоқда. 1990 йилдан шу кунгача районда 124 километр масофага сув қувурлари ётқизилди. Ғузор шаҳар хонадонларининг 80 фоизи. Улуғбек номли ширкат хўжалиги ва «Бўстон» совхозидаги уйларнинг 60 фоизи газлаштирилди. Киров номли жамоа-ширкат хўжалиги ва «Ғузор» давлат насличлик заводига газ ўтказиш ишлари қизғин бораяпти. Бу борадаги тадбирларни жадаллаштириш мақсадида районда янгидан қурилиш бўлинмаси ташкил этилди.

Бултур «Пачкамар» давлат хўжалигида 12 километр, «Ғузор» совхозида 20 километр, Куйбишев номли давлат хўжалигида 2,5 километр узунликда сув қувурлари уланди. Бунинг учун 22 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. «Шаҳрисабз—Ғузор» сув қувурининг иккинчи навбатига эса 16 миллион сўм кетди. Ҳокимлик 1993 йилда район аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан тўла таъминлашни, тезлаштириш мақсадида аниқ чора-тадбирлар белгилаган. Хўжаликлар ҳиссадорлик йўли билан 20 миллион сўм, «Шўртангаз» конлар бошқармаси 30 миллион сўм ўтказди. Мақсадимиз «Шаҳрисабз — Ғузор» сув қувурини шу йил ишга туширишдир. Бунга 217 миллион сўм маблағ ажратилади.

Даструҳонимизни тўкин қилиш йўлида фермерлар қўшаётган ҳисса кундан кун ошиб бораяпти. Давр уларни қўллаб-қувватлаш, сафини кенгайтиришни тақозо этаётир. Район бўйича ҳозир 26 нафар мустақил, 43 нафар ички деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Уларга 2.228 гектар ер, зарур миқдорда техника, ўғит ва бошқа воситалар ажаратилган. Деҳқон (фермер) хўжаликларига давлат банкидан бир миллион 343 минг сўм ссуда берилди. Фермерлар ғайрати билан 1992 йилда 19 тонна гўшт, 41 тонна сут, 3100 дона тухум, 110 дона қорақўл тери, 1.248 килограмм жун етиштирилди.

Аҳоли турмуш даражасини яхшилаш борасида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимиз фармонига мувофиқ аҳолига 1,555 гектар суғориладиган ер томорқа учун берилди. Натижада 10 минг оила янги уй-жой қуриш ёки томорқасини кенгайтириш имкониятига эришди. 1992 йили ғалла ҳосили яхши бўлгани туфайли ҳар бир хонадонга 100 килограммдан 1 тоннагача ғалла тарқатилди. Хонадон чорваси учун 21 минг тонна дағал хашак, 4 минг тонна кўк масса, шунингдек, 180 бош қорамол, 950 бош қўй, 93 мингта жўжа арзон нархларда сотилди.

Кам даромадли оилалар, боқувчисини йўқотганлар, ногирон ва кексаларга мадад бериш бизда доимий одатга айланган. Районимизда 11 мингга яқин киши нафақа олади. Уларнинг 500 нафари Улуғ Ватан уруши қатнашчиларидир. Ҳокимлик барчаларига мунтазам ёрдам бериш тадбирларини белгилаган. 157 нафар ёлғиз кишиларга ойда бир марта озиқ-овқат маҳсулотлари (1 килограмм гўшт, 0,5 килограмм ёғ, бир ўрам чой ва 2 дона совун) бепул берилади. Жумладан, яқинда кам таъминланган ва фахрийлардан 2 минг нафар кишига мод-



дий ёрдам кўрсатилди. 25 нафар уруш қатнашчилари ҳамда Афғонистонда хизмат қилганларнинг уйлари бепул таъмирланди. 39 нафарининг уйлари эса бепул ҳусусий мулк қилиб берилди.

1993 йилдаги режаларимиз янада катта. 37,7 минг тонна дон, 30 минг тонна пахта, 803 тонна картошка, 5930 тонна сабзавот, 2800 тонна полиз, 65 тонна пилла, 376 тонна ҳўл мева, 251 тонна узум етиштиришимиз лозим. Маълумки, районимизда деҳқончилик қатори чорвачилик ҳам ривожланган. Ғузорлик чорвадорлар 1.921 тонна гўшт, 5.718 тонна сут, 3 миллион 230 минг дона тухум етиштириш мақсадида астойдил меҳнат қилишмоқда.

Амалдаги йилнинг биринчи чораги муваффақиятли якунланди. Давлатга сут сотиш топшириғи 105 фоизга, тухум 103 фоизга бажарилди. 361 тонна ёки 1992 йилнинг шу даврига нисбатан 103 тонна кўп гўшт сотилди. Фермер хўжаликлари эса шу давр ичида 5,3 тонна гўшт, 1,2 тонна сут, 2,5 минг дона тухум етиштиришди. Чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа заҳирасини яратиш биз учун кун тартибидан тушмайдиган вазифа. Чунки жониворга йил ўн икки ой емиш керак. Бу йил районда 233 гектар ерга хашаки лавлаги, 1.025 гектарга силос учун макка, 876 гектар жойга янги беда экилди. Умуман озуқа экинлари майдони 5.532 гектарни ташкил этади.

Маълумки, қорақўлчиликни ривожлантириш учун кучли ем-хашак базаси қолаверса, яйловлар табиий ҳолати яхши бўлиши, чўпон-чўлиқларга кўнгилдагидек шароит яратилиши лозим. Унинг азобини шуғулланган одамгина тўла ҳис этади. Илгари хом ашё жўнатардик. Ундан келадиган фойданинг катта қисмини бошқалар кўришарди. Энди терини қайта ишлайдиган корхоналарга ўзимиз эга бўлишимиз керак. Маҳсулот безаб сотилса, янада қадрли. Қорақўл терисидан ишланган уст ва бош кийимларга ҳамма жойда талаб кучли. Имконият бор, фақат ташкилотчилик керак.

Ҳар бир хўжалик, районнинг фахр билан тилга олинадиган илғорлари, машъаллари бор. Улар қучаётган зафар ҳаммамизнинг ютуғимиз. «Ғузор» давлат наслчилик заводининг илғор чўпони Панжи Тўрахонов бу йил ҳар юз бош совлиқдан 117 тадан қўзи олиб, унинг 85 фоизини ўстиришга қолдирди. Умуман районимизда қўзилатиш муваффақиятли якунланаяпти. Улуғбек номли хўжалик сигирсоғари Махфират Йўлдошева бултур қарамоғидаги 12 бош сигирнинг ҳар биридан 4.217 килограммдан сут соғиб олди. О. Кўчкинов номли жамоа хўжалиги паррандачилик фермаси мудири Гулмурод Дўсанов жамоасида ҳам қувончли ютуқларга эришилмоқда.

Ҳозир бозор иқтисодиётига ўтишнинг мураккаб даври. Насиб этса, қийинчиликлар тез орада ортда қолар. Биз ҳам улардан тезроқ қутулишнинг чораларини кўраяпмиз. Пухта режа асосида иш юритаяпмиз. Деҳқон хўжаликлари ташкил этишга, оила, ижара пудрат, ширкат асосида меҳнат қилишга кенг йўл очилган. Айни пайтда 48 та кичик корхона ва ширкатлар фаолият кўрсатмоқда. Улар қисқа вақт ичида аҳолига 48,6 миллион сўмлик хизмат кўрсатишди. Бу халқ эҳтиёжини қондиришда яхши самара бераяпти.

Президентимиз И. А. Каримовнинг юритаётган одилона ички ва ташқи сиёсати туфайли Ўзбекистонимиз ривожланиш йўлига чиқиб олди. Ў қабул қилган қарорлар амалда ўз ижобий натижасини бераётир. Жумладан районимизга ҳам кўп нарса берди. Инсонлар қалбида эртанги кунга бўлган умид ва ишончни кучайтирди. Фидокорона ишлашга, яратувчиликка руҳлантирди. Бу бошланиши. Янада яхши кунлар олдинда. Ҳаммаси тотувлигимиз, тинчлик ва аҳиллигимизга боғлиқ. Шунда меҳнатимиздан унум, топган-тутганимиздан барака аримайди.

Яраш НУРИЛЛАЕВ,
Ғузор райони ҳокими.

ТЕХНИКА КЎРИГИ

Ғаллаоролда «Узсельхозснабремонт» Давлат қўмитаси ташаббуси билан республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда жумҳурият хўжаликларида ўрим-йиғим техникаси мавсумга қай даражада тайёрланганги, шунингдек, хашак йиғиштириб берадиган агрегатларни таъмирлаш масалалари ҳақида гап борди.

Ғаллаоролда, Жиззах вилоятида Кўчарбой Назаровни танимайдиганлар кам топилади. Айниқса, баҳорги экиш-тикиш ишлари авж олаётган шу кунларда Кўчарбой оға ва унинг азамат, меҳнаткаш таъмирловчи усталарининг қўли-қўлига тегмайди. Ҳозирги бозор иқтисодиётининг тақчилликлари одамларни тадбиркор, ишбилармон бўлишга ўргатмоқда. Тумандаги 40 дан зиёд жамоа ва давлат хўжаликлари, қўшни Арнасой, Дўстлик, Зарбдор туманларининг машина-механизмларини таъмирлаб, уларга керакли эҳтиёт қисмларини имкон даражасида созлаб берадилар. Айниқса, чет элда ишланган «Е-281», «Е-302» ўрим-йиғим комбайнлари двигателларини қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳам Ғаллаорол агротаъминот ва тузатиш ишлаб чиқариш корхонаси азаматларининг зиммасида.

Бугунги кунда Энвер Муродов, Очилбой Абдуқосимов, Самад Тожибоев, Суннат Тожибоев каби таъмирловчи, қўли гул усталар бор экан, Кўчарбой Назаров бошчилик қилаётган корхонанинг юки ерда қолмайди, албатта.

Ғаллаорол тумани Сангзор воҳасида жойлашган. 6 минг гектар ер майдонига эга. Йилига 65 минг тонна дон, 70—75 минг тонна емхашак, шунингдек, кўплаб картошка, мева ва сабзавот маҳсулотлари ҳам етиштиради.

Кечаси билан шивалаб ёқкан ёмғир эрталабга бориб бироз тингандек бўлди. Ҳавонинг тундлиги ҳам, рутубати ҳам ҳеч кимнинг кўнглига хижиллик сололмади. Чунки, олдинда ҳаяжонли учрашувлар, самимий ва фойдали суҳбатлар кутиб турарди. Дарвоқе, «Узсельхозснабремонт» давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган семинар-кенгаш иштирокчилари ана шундай кайфиятда эдилар. Машиналар карвони Ғаллаорол туманига йўл олди...

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, семинар-кенгаш иштирокчилари бўлмиш «Узсельхозснабремонт» давлат қўмитасининг вилоятлардаги раислари, жойлардаги таъмирлаш-тузатиш заводлари раҳбарлари, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг масъул ходимларидан 90 киши бу ерда амалга оширилаётган ишлардан воқиф бўлдилар.

Улар Ғаллаорол агротаъминот ва тузатиш-ишлаб чиқариш корхонаси ускуналарини амалга ошираётган ибратли ишлар билан атрофлича танишдилар. Бу ерда эҳтиёт қисмларни қайта созлаш, уларни таъмирлаш ишлари яхши йўлга қўйилган. Айниқса, «Ростсельмаш» заводи билан ҳамкорликда ишлаётган корхона усталари чет элда тайёрланган ўрим-йиғим комбайнлари двигателларини қайта таъмирлашни йўлга қўйганликлари таҳсинга сазовордир. Йиғилиш қатнашчилари Ғаллаороллдаги таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхонасида ташкил этилган техника кўргазмасини ҳам кўрдилар.

Семинар-кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси «Узсельхозснабремонт» давлат қўмитасининг раиси Р. Ҳ. Ҳусанов, Жиззах вилояти ҳокими А. Х. Тошкенбоев, Ғаллаорол тумани ҳокими Т. М. Умурзоқовлар қатнашдилар ва сўзга чиқдилар.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ҲОЖАТБАРОР ФЕРМЕР

Унинг болалиги кўп қатори оддий кечди. Апарди қишлоғи атрофидаги адирларда мол боқди, деҳқончилик қилди, вояга етиб совхозда ишлади. Кейин олти-етти йил пахтачилик, маккажўхоричилик бригадаларига бошчилик қилди. Уста деҳқон эканини кўрсатди. Пахта ва маккадан мўл ҳосил етиштирди. Илғорлар қаторидан ўрин олди. Лекин болалигидаёқ қалбида уйғонган бир орзу унга сира тинчлик бермасди. Сиртдан бўлсада, ўқиб олий маълумотли ҳуқуқшунос бўлишни истарди.

Ушанда ҳақиқатан ҳам меҳнат фаолиятида ўзгариш юз бериши тақдирида бор экан. Бундан у хурсанд. Хуллас, ҳужжатларини жамлаб Оренбургга йўл олди. Ўша ерлик дўстларини йўқлади. Чой устида нега келганини, илм олишнинг эрта-кечи йўқлигини, беш-олти йил эримда ўтиб кетишини айтди.

— Фикринг тўғри, — қувватлади ҳамсуҳбатларидан бири. — Орзуга айб йўқ. Маълумотли киши кўчада қолмайди. Майли ўқи. Шу билан бирга сенга дўстона маслаҳатим, ниятингни қилсанг, ортиқча югур-югур ташвишларидан чўчимасанг, фермер хўжалиги ташкил қил. Қишлоғингни биламан. Яхши имконият бор. Биринчилардан бўлиш қийин, албатта. Аммо кўп ютуқ шу биринчи бўлишда, Тоғаймурод, дўстим! Муҳими, элингга нафинг тегади. Кам бўлмайсан.

Бу воқеа тўқсонинчи йилнинг ўрталарида бўлган эди. У ишга дадил киришди. Давлатдан 50 минг сўм қарз кўтарди. У пайтларда ҳали пулнинг қадри тушмаган, минг сўмга бозордан ёки республика ташқарисидан яхши мол сотиб олиш мумкун эди. Охунбоев номли совхоздан унга 32 гектар ер ажратиб беришди. Шу тариқа Ғузорда Тоғаймурод Юсупов фермер хўжалиги ташкил этилди. Кўп ўтмай унинг номи яқин атрофга таралди.

— Фермер кўпайса, маҳсулот ҳам ортаверади, — дейди тадбиркор чорвадор. — Фермер доим бирим икки бўлсин деб яшайди. Унинг бойигани элнинг тўқлиги, юртда арзончилик деганн. Ҳаётбахш фармонлар чиқариб, ҳаётга тадбиқ этаётган Президентимизга раҳмат. У кишининг ишончларини кўп қатори мен ҳам баракали меҳнатим билан оқлашга ҳаракат қиламан. Кўрасиз, бир-икки йилдан кейин фермерлар қўшаётган ҳисса янада яққол намоён кўринади.

Моллар боқилаётган ўтлоқ томон юрдик. Жониворлар қишдан семиз ва касалликка чалинмай олиб чиқилган. Қорамол ва қўй-эчкиларни фермер хўжалиги аъзоси Давлат Юсупов ўтлатиб юрибди. Тоғаймурод ака жониворнинг ўтлашини кузата туриб, ёрдамчи чўпонга нималарнидир уқтиради-да, суҳбатда давом этади:

— Ҳозир салкам 100 бош қорамолимиз бор. Асосий қисми бузоқ ва новвослар. Яна 100 бошдан зиёд қўй-эчки боқилаяпти. Фермер хўжалиги ташкил этилганидан бери 40 тоннадан ошиқ гўшт, 8 тонна сут сотдик. Гўштни бозордагидан анча арзон нархда сотамиз. Кўпинча нарх-навонинг ярмини белгилаймиз. Ниятим, одамларга енгил бўлсин, дуо қилсин. Бир одамнинг кўнглини ололсанг, раҳматини эшитсанг шундан ортиқ мукофот йўқ.

Ҳимматлилик ота-бобомиздан ўтиб келаётган удум. Муҳтожларга насиба улашган ҳеч кам бўлмаган. Наврўз байрами нишонланган кунлари Т. Юсупов икки бош қорамолни ногирон ва кам даромадли оилага совға қилди. Илгари тўрт шундай хонадонга, ҳозир иккитасига ойига икки килограммдан бепул гўшт беради. Саховатли фермер Апарди қишлоғи аҳолиси учун тегирмон қуриб берди. У ишга тушиш арафасида. Хўжалик фаолиятини кенгайтириб иккита гилам тўқиш цехини ишга туширди. Ўзингда етиштирилган хом ашё ўзингда қайта ишланса қандай яхши. Биринчидан, шу атрофда яшовчиларнинг ҳожати чиқади. Халқимиз серфарзанд. Йилда ё ўзи ё бирон яқини тўй қилади, уй солади. Унга албатта

СУРАТДА: фермер Тоғаймурод Юсупов.
Ш. СУЛТОНОВ олган суратлар.

поёндоз керак. Қолаверса, ҳарна уч-тўрт киши иш билан таъминланади, кўрилаётган даромад салмоғи ортаверади.

Ғузор район фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Тоғаймурод ака Юсупов суҳбатидан дилимиз равшан тортди. У деҳқонларга хос содда ва лўнда гапиради. Ниҳоят, дастурхон учун раҳмат айтиб ўрнимиздан турдик. «Кеч бўлди, сиз ҳам дам олинг», дедик.

—Дам олиш қаёқда,— кулди у. — Ҳали юмушлар бор: моллардан хабар олишим керак. Фермерликнинг машаққати ҳам, роҳати ҳам шунда! Бундай инсонлар ҳалол меҳнати ҳар қанча таҳсин ва эъзозга лойиқ.

Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

ОРОЛГА БАҒИШЛАНДИ

Орол денгизи атрофидаги экология вазияти ҳамон таҳликали бўлиб турибди. Орол фожиаси ҳозир кўп кишиларнинг қалбини ларзага солмоқда. Қуриб бораётган денгиз ҳавзасида яшовчи 40 миллион аҳоли кўп азият чекмоқда. Аммо Оролбўйининг хўжалик соҳасидаги аҳамияти камайиб бораётганигина ташвишга солаётгани йўқ. Одамларнинг саломатлиги ёмонлашаётгани, аёллар ва гўдаклар орасида юқумли касалликлар тобора кўпаяётгани даҳшатлидир.

Оролни қутқариш муаммоларига бағишланган давра суҳбатида айни шулар ҳақида гапирилди. Унда Ўзбек ва хорижий мутахассислар, жумладан, Голландиядаги техникавий-иқтисодий ҳамкорлик ва халқаро тараққиёт масалалари билан шуғулланувчи «Новиб» ташкилотидан вакил бўлиб келган экспертлар қатнашишди. Учрашувни Оролни ва Оролбўйини қутқариш жамоат комитети Тошкентда уюштирди. Унда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг, республика вазирликлари ва идораларининг олимлари ҳамда мутахассислари иштирок этишди.

Давра суҳбатининг қатнашчилари Оролбўйидаги экология ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш муаммосини Каспий денгизидаги вазият билан боғлашга қарор берганликлари диққатга сазовордир.

Учрашувда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг вице-президенти, академик И. И. Искандаров таклиф этган мушкулотдан қутулиш концепцияси муҳокама қилинди. Олим Каспий денгизининг сувидан катта канал ёрдамида Оролга ўтказиб туришни таклиф қилмоқда. Кўпгина таниқли олимлар бу фикрни қўллаб-қувватлашмоқда. — Ҳозир дунёда шунга ўхшаш 20 тадан кўпроқ лойиҳа мавжуд. Шу кунларда Каспий суви 2,5 метр кўтарилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда бу жараён давом этади ва соҳилни сув босиш ҳавфи туғилади. Каспий сувининг бир қисмини Оролга ўтказиб туриш экология соҳасидаги мувозанатни тиклайди.

Орол денгизининг сатҳини барқарорлаштириш зарурлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди. Нотиқлар бу муаммони ҳал этишга оид бир қанча аниқ тавсия ва таклифларни ўртага қўйишди. Сув тежайдиган технологияларни жорий этиш, Сирдарё ва Амударё этакларида ун-чалик наф келтирмаётган шоли ўрнига бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш тўғрисида ҳам гап борди. Давра суҳбатлари ҳақиқий ҳалоллик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик руҳида ўтди. Ҳеч ким ҳеч кимга ҳеч нарсани ўргатмоқчи эмас эди. Ҳеч ким ҳеч кимга ҳеч нарсани ўргатмоқчи эмас эди. Ҳеч ким ҳеч кимга ҳеч нарсани ўргатмоқчи эмас эди.

Деҳқончилик маданиятини ошириш, суғоришнинг пухта ўйланган меъёрларини ва мукаммал суғориш техникасини жорий этиш, фойдаланиб бўлинган сувни тозалаш ва қайта ишлатишнинг самарали тизимини яратиш йўли билан ҳам ноёб денгизнинг қуриш жараёнини тўхтатиш мумкин.

Қилинаётган ишлар ҳозирнинг ўзидаёқ натижа бераётганини айтиб ўтиш керак. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Қизилўрда учрашуви бу муаммони ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшди. Унда Оролбўйидаги ижтимоий-иқтисодий ва экология вазиятини барқарорлаштириш дастури белгиланди.

Бироқ, идоравий тарқоқлик ва маҳаллийчилик ёндашувлари ҳамон ҳалақит бермоқда. Оролни қутқаришнинг ягона илмий концепциясини биргаликда муҳокама қилиш ва қабул этиш зарур. Бутун инсоният учун Орол фожиасининг хавфини англаётган кўпгина мамлакатларнинг олимлари бу муаммога катта эътибор бермоқдалар. Шу сабабли анчагина мамлакатларда Оролга ёрдам берувчи турли жамғарма ва ҳаракатлар ташкил этилди.

— Голландия вакиллари айни шу мақсадда ҳузуримизга келишди, — дейди Оролни ва Оролбўйини қутқариш жамоат комитетининг раиси П. Шермуҳамедов.— «Новиб» нуфус, экология муаммолари билан шуғулланмоқда ва дунёнинг 54 мамлакатида, шу жумладан Покистон, Афғонистонда, Африка давлатларида техникавий-иқтисодий кўмаклашув лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширмоқда. Бу ташкилот Орол муаммолари билан шуғулланувчи ўзбек олимлари ва мутахассисларига ҳам ҳар томонлама ёрдам бермоқчи.

Давра суҳбати қатнашчилари яқдиллик билан шундай хулосага келдилар: Орол фожиаси бутун Марказий Осиё минтақасига таъсир қилмоқда ва шу сабабли биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билангина экология вазиятни ўзгартишига таъсир қилиш мумкин. Бу вазиятни ўрганиш мақсадида Каспийбўйи давлатлари билан биргаликда Орол—Каспий экспедицияси ўтказилишига кўмаклашишга қарор қилинди. Шу давлатлар билан келишиб Орол—Каспий муаммоси ҳал этилишини мувофиқлаштириб турадиган доимий ишловчи кенгаш тузиш, унда халқаро ташкилотларнинг қатнашишига кўмаклашиш белгиланди.

(ЎзА мухбири).

ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИНИНГ ДАДИЛ ОДИМИ

Майна Ҳасанова номли жамоа-ширкат хўжалиги Улуғбек номли давлат хўжалиги билан ёнма-ён жойлашган. Аввал иккаласи бир хўжалик эди. 1990 йилнинг мартида иккига бўлинди. Чуноғор, Қўнғирот, Чигиртма, Қайирма қишлоқлари бир хўжаликка бирлашдилар. Хўжалик номи ғузорлик қаҳрамон қиз Майна Ҳасанова номи билан атала бошланди. Тақсимотда унга 3.500 гектар ер тегди. Шундан 1560 гектарда деҳқончилик қилиняпти. 700 гектар майдонга пахта, 560 гектарга ғалла, 50 гектарга маккажўхори, 20 гектарга сабзавот, 19 гектарга полиз, 150 гектарига беда ва шунга ўхшаш экиннлар экилади. Шу билан бирга 350 бош қорамол, 15 ишчи трактори, 12 юк машина мулк сифатида хўжаликка ўтди.

Хўжаликнинг банкда янги ҳисоб—китоби очилди. Ўша йили 700 гектар майдонга қутлуғ ният билан чигит қадалди. Ҳар гектар майдондан 27 центнердан ҳосил кўтарилди. Лалми ерларнинг гектаридан 12 центнердан ғалла олинди. Сабзавот, полиз ҳам ёмон бўлмади. Давлатга мева, узум сотиш режалари бажарилди. Ҳар қути пилла уруғидан олинган ҳосил 80 килограммни ташкил этди. Давлатга 20 ўрнига 35 тонна гўшт, 290 ўрнига 305 тонна сут топширилди. 285 минг ўрнига 300 минг дона тухум сотилди. Хуллас, барча соҳадаги режа ва топшириқлар ошириб адо этилди. Хўжалик дастлабки қадамни қутлуғ ташлади. 1991 йил ҳам муваффақиятли якунланди. Гўшт етиштириш уч баравар кўпайди. Бултур Улуғбек номли давлат хўжалигида ҳар гектар майдондан 30 центнердан ҳосил кўтарилган бўлса, бу ерда ҳам қарийб шунчадан пахта олинди. Умумий ҳосилнинг ярмидан кўпроғи машиналар ёрдамида йиғиштирилди. Мавсумда теримчиларга ҳар кило пахта учун 5 сўмгача, механизаторларга тоннаси учун 300 сўмгача иш ҳақи тўланди. Терим уюшқоқлик билан ташкил этилди. Жумҳуриятда учинчи бўлиб улар маррага етиб келдилар. Бу ҳақда мустақил республика Президентига шошилинч хушхабар йўлланди. Хўжалик доврўғи нафақат Ғузорга, бутун республикага ёйилди.

Ширкатчиларга иқтисод илмининг билимдони, омилкор раҳбар Абдухалил Соатов етакчилик қилади. У баъзи сардорларга ўхшаб фақат режани ўйлайдиганлардан эмас. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш унинг учун биринчи галдаги вазифа. Шу мақсадда доим изланади, маблағ қидиради.

Дарвоқе, хўжаликда амалга оширилаётган ибратли ишлар анчагина. Йилнинг энг яхши ўқитувчиси мукофоти таъсис этилган. Унга кўра ғолиб 1000 сўм пул ва 3 центнер ғалла билан тақдирланади. Ўқитувчиларга дон, ем-хашак, сомон 50 фоиз арзон нархда сотилади. 4-мактаб жамоаси учун 66 минг сўмлик обуна қилиб берилди. Район олимпиадасига ўқувчи тайёрлаган муаллим 1400 сўм олади. Бу йилдан у 5 минг сўм қилиб белгиланди. Аълочи ўқувчи ойига 100 сўм стипендия олади. 1992 йилда бунинг учун 21 минг сўм кетди. Шунингдек, яхши ўқийдиганлар ўлка тарихини ўрганиш имконига эгалар. Улар Марказий Осиё давлатларига бепул саёҳат қиладилар. Хўжаликда ҳозир тўртта мактаб бор. Ҳар бирига 5 гектардан ер ажратилган. Шунинг ҳисобига 3 гектар боғ, 2 гектар узумзор ташкил қилинди. Қолгани сабзавот.

Ибратли томонларидан яна бири хўжаликда янги оила қураётган ёшларга 15 минг сўмдан тўёна улашилади. Етти нафар уруш қатнашчиси ва хизмат бурчини Афғонистонда ўтаган беш нафар собиқ жангчига ҳар йили қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва совғасаломлар тарқатилади. Уларга 100 килограмм дон ва моли учун 3 тонна ем-хашак ҳам бепул тарқатилади. Боқувчисиз қолган Менгнор Баротовага янги уй қуриб берилди. Шукур Раҳмонов уйи тўла таъмирланди. Газлаштиришни лойиҳалашга 406 минг сўм кетди. Эндиликда қишлоқ шифокорлик амбулаторияси, ҳаммом, яна бир мактаб биносини тиклаш, 5 километр масофага асфальт ётқизиш, кам даромадли оилалар хонадонларини тузатиб бериш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Жойларда тикувчилик, бичувчилик, гилам тўқиш цехлари, кичик корхоналар ташкил этилган. 100 дан ортиқ хотин-қиз ана шу корхоналарда меҳнат қилаяпти. Хўжаликда бу йил консера цехини ҳам ишга туширишни мўлжаллаяпмиз. Қишлоқларда кичик корхоналар, қайта ишлаш саноатининг тармоқлари барпо этилиб, тезроқ ишга туширилса, ишсизлик муаммоси ҳал этилар эди.

М. Ҳасанова номли жамоа ширкат хўжалигида юз бераётган иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар, маданий юксалиш, жумҳурият Президентининг фармонлари қай даражада амалга ошаётганлигини кўрсатиб турибди. Бу ҳақда бошқарув раиси А. Соатов шундай дейди:

— Моддий неъматнинг асосий қисми қишлоқда яратилади. Ўқитувчини ҳам, муҳандисни ҳам, давлат арбобини ҳам боқадиган, ҳам қийинтирадиган жой — қишлоқ, унинг меҳнаткаш халқи. Деҳқон ғалла экмаса, ерга чигит қадамаса, гўшт, сут етиштирмаса нима еймиз. У ҳам барча қатори дам олиши керак. Шундай экан, ҳар хўжаликда замон талабига мос шифохоналар қуриш, маданий-маиший марказлар барпо этиш биринчи галдаги вазифамиз. Қишлоқда яшаган кишигина унинг яхши-ёмон томонини тушунади, машаққатини чуқур ҳис этади. Ўзим деҳқон оиласида туғилганимдан, қишлоқда ўсганимдан фахрланаман. Деҳқон меҳнатини қадрлайман. Унинг ташвишларига, қийинчиликларига шерикман. Унинг тақдирига бефарқ қаролмайман.

Раҳбар куюниб, самимий гапирди. Шундай жонкуяр, киндик қони тўкилган ерга фидойи инсонлар кўпаяверсин. Президентимиз айтганларидек, бизга бундай инсонлар жуда кўп керак.

И. АМИРҚУЛОВ.

СУРАТДА: Майна Ҳасанова номли жамоа ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси Инат Даминов ва раҳбари Абдухалил Соатов мутахассислар билан келгуси вазифалар ҳусусида суҳбатлашаётган пайт.

ШОГИРДЛАР ДИЛИДА, ОҲАНГЛАР ТИЛИДА

Мусиқий маданиятимиз тарихидан

Инсонлар бўладики, умри абадий. Бу умрбоқийлик уларнинг ҳаётлик чоғларида қилган эзгу ишлари, авлодларга қолдирган бой маънавий меросларидан ўлчанади. Ўзбек мусиқа санъатида ўзига хос мактаб яратган Мухтор Ашрафий ана шундай инсонлардан.

Бастакорнинг ижодий йўли 1929 йилда Самарқанддаги мусиқа ва рақс илмий-тадқиқот илмгоҳига кирган пайтидан бошланди. М. Ашрафийнинг мусиқа соҳасидаги назарий билимларини чуқурлаштиришга кўмаклашган муаллим, композитор Н. Н. Миронов бўлди.

1932 йилда М. Ашрафий биринчи симфоник асари — «Қурилиш» маршини яратди ва санъат ихлосмандларининг эътиборини қозонди. У мусиқа соҳасидаги билимини янада ошириш ниятида Москва консерваторияси ҳузуридаги опера студиясига кирди ва таниқли композитор С. Василенко раҳбарлигида санъат сирларини ўрганди. Тажрибали мураббий қобилиятли йигитнинг камолот йўлини ўз шуури билан ёритиб, уни хайрли ишларга бошлади. Кейинчалик улар орасидаги устоз шогирдлик муносабатлари ижодий ҳамкорлик даражасига етди.

1939 йилда М. Ашрафий ва С. Василенколар томонидан К. Яшин либреттосига ёзилган «Бўрон» операсининг яратилиши ўзбек миллий операси тарихининг бошланиши бўлди. Бу асар биринчи марта намойиш этилганидан кейин мусиқали театр ўзбек давлат опера ва балет театрига айлантирилди.

Шундан кейин композитор «Буюк канал», «Дилором», «Шоир қалби» симфоник операларини, «Темур Малик», «Севги тумори» балетларини яратди.

Ашрафий ўз билим ва маҳорати, куч-ғайратини ёш ижрочилар танловчиларини ташкил этишга, ўзбек мусиқасини тарғиб қилишга бағишлади. Шу мақсадда у Чехословакия, Австрия, Югославияга борди. Ҳиндистон сафари айниқса самарали бўлди. Бастакор бу ерда Индира Ганди ва Жаваҳарлаъл Неру билан учрашди. Кейинчалик сафар таассуротлари ҳақида «Ҳиндистон кундаликлари» китобини ёзди. М. Ашрафий қаерда бўлмасин, ўз истеъдодини, қайноқ қалб қўрини ва ғайратини одамларга улашарди. Цейлонда у мусиқа театрини ташкил этишга ёрдам берди, Мисрда театр оркестри билан иш олиб борди ва «Матонат» балетини ёзди.

Бастакор 30 йилдан ортиқ умрини ёшларни тарбиялаш ва уларни камолга етказишдек олижаноб ишга бағишлади. Бу юмушни иқтидорли санъаткорлар халққа хизмат қилиш сифатида идрок этиб, юртимизнинг келажаги ва шони бўлган ёшларга ўз билим ва тажрибасини қунт билан ўргатди.

Ашрафий 1944 йилдан Тошкент давлат консерваторияси симфоник дирижёрлик синфини бошқарди. 1953 йилда эса профессор бўлди, лекин унинг тарбия услуби моҳияти соддалигича қолди: у, ижодни туғён урадиган тилсиз туйғу, уни юзага чиқара билиш эса қобилиятдир деб билди. Бу қобилият туғма ёки тинимсиз меҳнат натижаси бўлиши мумкин, лекин энг муҳими, мусиқани астойдил севиш керак. Ашрафийнинг бу борада ҳақлигини ҳаёт тасдиқлайди: унинг қўлидан ажойиб дирижёрларнинг бутун бир авлоди етишиб чиқди. Ф. Назаров, Р. Фелициант, А. Абдуқаюмов, Ҳ. Шамсудинов, К. Усмонов ва биринчи ўзбек дирижёр аёли Дилбар Абдураҳмоновалар бугун ўзбек мусиқасининг фахри ҳисобланади. Ашрафий 1947 йилдан 1962 йилгача Тошкент консерваториясининг директори, 1971 йилдан 1975 йилгача ректори сифатида фаолият кўрсатди.

Ажойиб бастакор ва педагог ҳақида унинг шогирдлари дил сўзларини шундай баён этишди: **Навоий номли опера ва балет Катта театри дирижёри — ДИЛБАР АБДУРАҲМОНОВА:**

— Ҳар бир инсон ҳаётида сўнмайдиган хотиралар бўлади. Улар юлдузлардек ўтган даврнинг қоронғу осмонини ёритади, улар фақат ҳаёт билан бирга сўнади.

Мен учун бундай хотиралар устозим М. Ашрафий билан боғлиқдир. У киши бизга нафақат мураббий, балки ишончли дўст, кўмакчи, ҳамкасб эди. Устоз биз талабаларга эҳтиёткорлик ва ҳурмат билан муносабатда бўлиши ғаройиб эди. У бизларни катталар қаторида кўрар ва биз билан ўзининг тенги сифатида гаплашарди. Ҳозиргидек эсимда, Тошкент консерваториясининг бешинчи курсида ўқиётган пайтимда мен ўз диплом ишим ҳақида узоқ вақт ва оғир ўй суриб юрдим. Қарор қабул қилиш пайти келганда устоз менга диплом иши сифатида Вердининг «Травиата» операсини олишни маслаҳат берди. Мен эса «Аида»ни танлаган эдим. Бу ғоят мураккаб опера бўлса-да, у бўлажак дирижёрга ишониб дирижёрлик жойини бўшатиб берди. Бу менинг тақдиримни ҳал этди. Умуман, устоз билан мулоқотда бўлишнинг ўзи ҳар қандай кишини маънан бойитар эди...

М. Ашрафий номидаги Тошкент консерваторияси опера—симфоник синфи бошқарувчиси ҚУВОНЧ УСМОНОВ:

— Ҳозир мен бошқараётган синфни М. Ашрафийдан мерос қилиб олганман, десам хато бўлмас. Мен нима билан шуғулланмай, доимо ўз ҳаракатларимни фикран устоз ҳақидаги хотиралар билан таққослайман. Устозда ҳамма нарса— истеъдод, ақл, зиёлилик, меҳрибонлик уйғунлашиб кетган эди. Мухтор ака бизни ёш ҳамкасблари деб ҳисоблар, ғоят эътиборли эди, бу эса кўз ўнгимизда эътиборимизни оширар ва ўзимизга ишончимизни кучайтирарди. Юксак даражада қадрли одам хотирасини эъзозлаб, биз бугунги кунда ўз шогирдларимизга Ашрафийда ўқиган йилларимизда бастакорнинг бизга сингдирган энг яхши фазилатларни беришга ҳаракат қиляпмиз».

Кўплаб истеъдодли кишиларни тарбиялаб етиштирган ва уларни санъат оламига етаклаган М. Ашрафий санъатсевар халқимизнинг хотирасида абадий сақланиб қолади. Бухоро мусиқа билим юрти, Тошкент ва бастакор таваллуд топган шаҳардаги мактаб ва кўчалар унинг номи билан аталган. Энг муҳими,у ҳаёт бахш этган мусиқа концерт залларида ва театрларда баралла янграмоқда. Бу эса ўз истеъдодининг ажойиб сарчашмаларини сахийлик билан одамларга улашган санъаткор учун энг яхши мукофотдир. Тошкент давлат консерваториясига унинг номи берилганлиги чинакам маърифатпарвар устоз истеъдодига ўз халқининг ихлоси, эътиқоди намуносидир.

Л. РАСУЛОВА,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика олий илмгоҳининг ўқитувчиси.

Фарғона вилояти Сўх районидаги 39-ҳунар-техника билим юртида 540 нафар йигит ва қизлар турли касб сирларини пухта ўзлаштиришмоқда.

СУРАТДА: тикувчи қизлар мураббийси Қаноатхон Мирсаидова меҳнатсевар шогирдларидан бири Муборак Мирсаидова бажараётган иш сифатини кўздан кечирмоқда.

Ҳ. МЕЛИБОЕВ олган сурат.

РАҚҚОСА ХИРОМ АЙЛАГАНДА

Фарғона вилоят маданият ишлари бошқармаси халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар вилоят маркази билан ҳамкорликда атоқли санъаткор Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишланган кўрик-танлов ўтказди. Унда Фарғона, Қувасой, Қува, Марғилон шаҳарлари ҳамда Тошлоқ Қува, Фарғона, Бувайда ва Ўзбекистон туманлари ҳаваскор раққосалари қатнашди. Мусобақада Қува тумани «Анор» ашула ва рақс халқ дастасининг қатнашчиси Фотимахон Давронова якка рақсда биринчи ўринни эгаллади, Тошлоқ тумани «Райхон» ашула ва рақс дастаси қатнашчилари оммавий рақсда ғолиб бўлди.

Ғолиблар 22—23 апрель кунлари Тошкентда ўтадиган «Рақс-93» республика кўрик-танловида қатнашадилар.

Футбол

ҒАЛАБА УСТИГА ҒАЛАБА

Узоқ йиллар давомида Ўзбекистоннинг етакчи футбол жамоаси бўлиб келган Тошкент пахтакорчилари бундан буён ҳам ўз мавқеларини қўлда сақлаб қолиш ниятида ҳаракат қилмоқдалар. Хоҳ ўз майдонида бўлсин, хоҳ сафарда бўлсин «Пахтакор» ҳужумкорлик билан тўп суриб, рақибларни шошириб қўймоқда.

Олтинчи турда Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси олий табақада сўзсиз етакчилик қилишаётган пахтакорчилардан ҳеч бўлмаса бир очко олиш илинжида эдилар. Аммо ўз майдонларида тўп сурганликларига қарамай муддаога эришолмадилар. Ивангородский киритган ягона тўп «Пахтакор»га навбатдаги икки очкони келтирди. Шундай қилиб, пахтакорчилар олти ўйиндан сўнг 12 очко жамғарб, олий табақа жамоаларига карвонбошилик қилишмоқда.

Ўтган йили «Пахтакор» билан чемпионлик унвони учун тенгма-тенг баҳс юритган «Нефтчи» (Фарғона) бу мавсумда ҳам бўш келмаяпти. Олдинги турда фарғоналиклар «Косонсой» жамоасини сафарда доғда қолдирган эди, лекин олтинчи турда «Навбаҳор» қаршилигини енга олишмади. Бу жамоаларнинг Наманганда бўлган учрашувида ҳисоб очилмади. Томонлар очколарни баҳам кўришди. Дуранг «Нефтчи» билан «Пахтакор» ўртасидаги фарқни яна бир очкога оширди, айни чоғда «Навбаҳор»га учинчи поғонага кўтарилиш имконини берди.

«Нурафшон» ўтган мавсумда совринли ўринлардан бирига жиддий даъвогарлик қилган эди. Бу йил бухороликларнинг ўйини унчалик қовушмаяпти. Мазкур турда ўз майдонида «Трактор» жамоасини қабул қилган бухороликлар дуранг билан кифояланишга мажбур бўлишди — 1:1.

Самарқанд динамочилари эса умуман суст ўйин кўрсатишяпти. Тўғри, «Динамо» ўйинда баъзан шиддат билан ҳужум уюштириб қолади, лекин гоҳ омад, гоҳ маҳорат етишмайди. Ҳолбуки, самарқандликларда ўйинни кучайтириш учун талайгина имкониятлар бор. Мавжуд имкониятлардан оқилона фойдалана билмаслик динамочиларга яна панд берди. Бу сафар улар Гулистонда «Шифокор»га ютқазишди — 0:1.

Олий табақада тўп сураётган бошқа жамоалар хусусида ҳозирча аниқ бир фикр билдириш қийин. Нукуснинг «Орол» жамоаси Қибрайда кутилмаган тарзда ғалабага эришди-ю, сўнг ўз майдонида «Трактор» билан очколарни баҳам кўрди. Мазкур турда эса «Чирчиқ» жамоасига ютқазиб қўйди — 2:3.

«Темирйўлчи», «Янгиер», «Наврўз» жамоаларига ҳам барқарорлик етишмаяпти. Аслида бунга ажабланишга ҳожат йўқ. Биринчиликдан кўзланган асосий мақсад ҳам жамоаларнинг оёққа туришига, ўйинчилар маҳорати сайқал топишига имкон яратиб беришдан иборатдир. Бу нарсани яхши англаб, режали тарзда иш олиб борган жамоалар, шубҳасиз, вақти келиб мухлислар қалбини завққа тўлдирадиган чиройли ўйин намойиш этишади.

Муштарий илҳоми



ИБРАТ

Мен Ватан ўғлониман, дилдан тиларман шуҳратин,
Унинг ишқи банд этган юрагимнинг қат-қатин.

Ҳар тонгги андозадир, истиқболидан дарак,
Чексам дейман назм аро гулга буркаб сувратин,

Ул қуёш, қайда бўлмай нурларидан баҳраманд —
Дилимга туйғу келгай, ошириб эл ҳайратин.
Темур ёзгайдир ҳар он бул Ватан баҳорини,
Қўрсатиб олам аро чин фарзандлик ибратин.

КЕКСАЛИК

Қўлларимга тутдинг асо кексалик,
Ақлимни тобладинг расо кексалик.
Ёшликда бир ғўру, сармаст шер
эдим,
Охири айладинг доно, кексалик.
Ўтдим чўнг ғуруринг остонасидан,
Муҳаббат қасрини кошонасидан,
Ўндим бахтинг ҳатто пешонасидан,
Эслатдинг барини ҳалво, кексалик.
Ўтган неки бордир қалбимда қолди,
Лаззатлар барчаси ёдимда қолди.
Яхши-да, ёмон-да юракда қолди,

О, топганим ахир, даво кексалик!
Бировга ёмон сўз қотган оним йўқ,
Бир ўзим беркитиб еган ноним йўқ,
Ҳалолликдан ўзга унвон, шоним йўқ,
Ёшликка истеҳком маъва кексалик.
Шукримки, саксонни қоралаб юрдим,
Шукримки невара, чевара кўрдим,
Шукрим бор, эркалар, ҳур, озод
юртим,
Қилмагай Темурни адо, кексалик.

Темур КАРИМОВ.

Ғафур Ғулом таваллудининг 90 йиллигига

ОЛИМЛАР ГУРУНГИ

Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг Ҳамид Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институтида Ғафур Ғулом таваллудининг 90 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

Институт директори, атоқли олим Азиз Қаюмов анжуманни очар экан, аллома шоирнинг адабиётимиз ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини, адиб асарлари келгуси авлодларнинг ҳам маънавий хазинаси бўлиб қолажагини таъкидлади.

Адабиётшунос олимлар — С. Мамажонов «Ғафур Ғулом ва замонамиз», А. Ҳайитметов «Ғафур Ғулом ва мумтоз адабиёт», Ҳ. Абдусаматов Ғафур Ғулом билан Комил Яшининг ижодий ҳамкорлигига бағишланган «Адабиётимиз қўшчинори», Н. Каримов «Ғафур Ғулом бадиий маҳоратининг баъзи хусусиятлари» мавзуларида маъруза қилдилар.

Анжуман қатнашчилари шоирнинг қизи, ёзувчи Олмоснинг отаси ҳақидаги хотираларини, шунингдек, филология фанлари доктори Л. Қаюмов ва филология фанлари номзоди Х. Қурбонованинг Ғафур Ғуломнинг баъзи шеърлари яратилиши ҳақидаги ҳикояларини тингладилар.

(ЎзА мухбири).

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ «Ҳожатбарор» ТАРҒИБОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ
МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛ: 33-44-43, 32-54-44, 32-56-34, 32-56-25
БУЮРТМАЛАРИНГИЗ ТЕЗДА АДО ЭТИЛАДИ

Қутлаймиз



Ҳурматли Абдусаид Иброҳимов!

Сизни ҳамкасбларингиз, ёру биродарларингиз ва барча қадрдонларингиз номидан муборак қирқ ёшингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Ўн уч йилдан ортиқ вақтдан бери ташкилотимизда сидқидил меҳнат қилиб келаётганлигингиз, айниқса бош муҳандислик вазифасида ишлаётган даврингиздан бошлаб Қарши даштидаги еттита қўриқ район аҳолисини ичимлик сув билан таъминлашда яхши натижаларга эришилаётганлиги кўпчилик томонидан эътироф этилган.

Сизга келгусидаги ишларингизда муваффақият, сиҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

«Каршистрой»га қарашли ичимлик сув таъминоти бошқармаси жамоаси ва касаба уюшмаси қўмитаси.

ЖАМОА, ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИ, ПАРРАНДАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ, ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА

КАЛИФОРНИЯ ЧУВАЛЧАНГИНИНГ МЎЪЖИЗАСИ

Тупроқ унумдорлигини ошириб, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишни истайсизми? Она заминимиз экологик жиҳатдан мусаффо бўлишини, етиштирилаётган ноз-неъматлар турли зарарли моддалар билан тўйинмаслигини ва ширин-шакар бўлиб етилишини хоҳлайсизми? Паррандаларнинг маҳсулдорлигини кескин ошириш ниятидамисиз? Буларнинг барчасига эришиш учун Калифорния қизил чувалчанги мўъжизасидан фойдаланишни маслаҳат берамиз. Бу ёмғир чувалчанги она заминни турли фойдали моддалар билан бойитади, ҳосилдорликни оширади. Улар паррандаларга берилса, товуқлардан тухум олиш кўпайиб, бройлерларнинг семириши тезлашади. Бу борада Сизга **Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалигида фаолият юритаётган «Бунёдкор» кичик корхонаси** ёрдам беришга тайёр. Шу ердан биогумус ўғитини ва Калифорния қизил ёмғир чувалчангининг ўзини сотиб олишингиз мумкин. «Бунёдкор» кичик корхонаси ўз маҳсулотларини бозорнинг ўртача баҳосидан бирмунча паст нархда сотиб олишни таклиф қилади. Шунингдек, у биогумусдан фойдаланиш, Калифорния қизил чувалчангини кўпайтириш юзасидан ўз мижозларига беминнат илмий-амалий ёрдам беради.

Қўшимча маълумотлар олиш учун «Бунёдкор» кичик корхонаси раҳбари Жаббор Авазовга Тошкентга: (8-3712)—90-37-16; Юқори Чирчиқ районига: (8-298)—38-460 рақамли телефонлар орқали қўнғироқ қилишингиз мумкин.

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

Мустақил республикамизнинг равнақ топиши, иқтисодий ривожланиши учун қўшни республикалар ҳамда хорижий давлатлар билан алоқа боғланишида автомобиль транспорт хизматининг роли алоҳида аҳамиятга эга. Транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишида, йўловчиларнинг хатарсиз манзилларига етказилишида ҳамда турли хил халқ хўжалик юкларининг ташилишида автомобиль йўлларининг ҳолатлари катта хусусият касб этади. Шу мақсадда йўл қурилишига, ҳолатига бўлган кундалик эҳтиёжлар ҳамда уларга нисбатан олиб борилаётган назорат ишлари тобора кучайиб бормоқда. Лекин бугунги кунга келиб автомобиль йўлларимиз ҳаракат хавфсизлиги талабига тўлиқ жавоб беради деб айтолмаймиз. Чунки, ҳозирги кунда республика ҳудудидаги автомобиль йўлларида 32 минг йўл белгилари етишмайди, 412 мингдан кўпроқ белгиларни алмаштириш зарур. Йўлларнинг энг хавфли ҳисобланган жойларда 143 минг погонометр муҳофазаловчи тўсиқлар ва 141 минг йўналтирувчи устунчалар ўрнатилмаган, ҳамда давлат стандарт талаблари асосида тартибга келтирилмаган. Бунга ўхшаш камчиликларни яна кўплаб мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

1992 йил давомида республикамиз автомобиль йўлларида жами 15.136 йўл-транспорти ҳодисалари содир этилиб, натижада 2688 киши ҳалок бўлган ва 16.448 киши эса турли хилдаги тан жароҳатларини олишган. Жумладан йўлнинг қониқарсиз ҳолати туфайли 424 йўл транспорти ҳодисалари содир этилган бўлиб, унда 117 киши ҳалок бўлган ва 442 киши эса тан жароҳатини олган. Бундан ташқари, умумий автоҳодисаларнинг камида 70 фоизи келиб чиқишига автомобиль йўлларининг носозлиги ўз таъсирини кўрсатган.

Автомобиль йўлларини қуриш ҳамда қайта тиклаш ва юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш ишларини амалга ошириш учун катта маблағ талаб этилиши ҳаммага маълум. Лекин кўп маблағ ва ишчи кучини талаб этмайдиган, яъни йўллардаги ғадур-будурликларни текислаш, чукурчаларни ямаш, йўл марзаларига ишлов бериш, йўл белгиларига хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг кўринишини таъминлаш учун дарахт шохларини кесиш, пиёдалар ўтиш жойларини белгилаш ва ҳоказо ишларини бор имкониятдан фойдаланиб бартараф қилишда жойлардаги йўл хўжалик ходимлари ўта сусткашликка йўл қўймоқдалар.

Масалан, Зарафшон-2 автомобиль йўл бошқармаси (бошлиғи Х. Мадиев), Оҳангарон (бошлиғи Б. Абдусамиев), Янгийўл (бошлиғи А. Дониёрбеков), Навбаҳор (бошлиғи У. Бозоров), Кармана (бошлиғи Т. Зайнутдинов), Ғиждувон (бошлиғи К. Тожиев) ва бошқа бошқармалар қарамоғидаги автомобиль йўлларида камчиликлар қайд этилди.

Ўтказилган текширишлар натижаси шуни кўрсатдики, автомобиль йўлларининг, айниқса уларнинг довон қисмларида транспорт воситаларининг ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминланиши учун тадбирий чоралар кўрилмаганлигини, қум, тўз аралашмаларини сепиш, хавфли ҳисобланган кескин бурилиш жойларига йўл белгиларини ўрнатиш ишлари амалга оширилмаганлигига яна бир бор гувоҳ бўлдик. Шулар қатори, муҳофазаловчи тўсиқлар хавфли жойларга тўлиқ даражада ўрнатилмаган, борлари эса ҳаракатланиш хавфсизлиги талабига жавоб бермайди, яъни кўплари синган ва яроқсиз ҳолда, уларни мустаҳкамлаш ишлари нотўғри бажарилган.

Бунга халқаро ва давлат аҳамиятига эга бўлган «Олмаота — Тошкент — Термиз», айниқса, унинг довон қисми, Жиззах шаҳрини айланиб ўтувчи жойи, «Тошкент—Ўш» ва «Тошкент—Чимён» автомобиль йўлларининг довон қисмларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Республикамиздаги иқтисодий танқисликни ҳисобга олган ҳолда 1992 йилнинг бошида Автомобиль йўллари вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг келишилган қарорига асосан йўлларда содир этилган йўл-транспорти ҳодисалари кўп содир бўладиган жойларни бартараф қилиш учун ҳаракат дастури тузилган эди. Аммо бу дастур жойлардаги йўл хўжаликлари томонидан жуда ҳам секинлик билан бажарилмоқда.

Республика ҳудудидаги автомобиль йўлларида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида жойлардаги йўл хўжалик ходимлари мавжуд камчиликларни тузата бориб, йўлларда кундалик назорат ишларини кучайтирсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

Н. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ДАНБ йўл назорати хизматчиси.

Тошкент шаҳар Ҳамза районидаги масъулияти чекланган «Ҳамкор» ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси **тугатилди.** Барча даъволар бир ой ичида қабул қилинади.
Фирма манзили: Тошкент шаҳри, Жуковский кўчаси, 52-уй.

БИРЛАШМАЛАР, КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ҲАМДА БАРЧА ФУҚАРОЛАР ЭЪТИБОРИГА
Газетамизда Сизнинг реклама, қутлов, табрикнома, олди-сотди хусусидаги эълонларингиз тезда босиб чиқарилади.
Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй, 534-хона.
ХАТ ЁЗИНГ, ТАШРИФ БУЮРИНГ, ҚУНҒИРОҚ ҚИЛИНГ.

Бош муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҒОФУРОВ, (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, К. РИҲСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Узплодоовошчвинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари—32-56-25. Деҳқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000096. Буюртма Г—170. 31830. нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди — 19.45

Узбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6.